

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда она юртимиз — Ўзбекистонимиз заминига гўзал баҳор нафаси билан бирга барчамиз орзиқиб кутган Наврўзи олам кириб келмоқда.

Табиат очилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз яшил либосга бурканиб бораётган мана шу лаҳзаларда сиз, қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни Наврўз байрами билан чин юракдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз ҳамиша шоду хуррамлик билан кутиб оладиган қутлуғ байрамлар ва саналар кўп. Лекин шу кунларда эл-юртимиз нишонлаётган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.

Шарқона янги йил бўлмиш бу сана одамзот қалбида эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир.

Бу бетакрор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, бағримизни кенг очиб, “Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадамнинг қутлуғ бўлсин, юртимизга тинчлик-омонлик келтирсин!” деб қарши олиш азалий одатимизга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай холисона, пок ниятлар билан заҳматкаш деҳқонларимиз офтоб нуридан тобора қизиқиб бораётган ерга уруғ қадаб, бепоён далаларимиздан мўл ҳосил ундириш мақсадида янги меҳнат мавсумини бошламоқда.

Бугун мана шу мунаввар дамларда ҳаммамизнинг тилагимиз: фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг, барча меҳнатчиларимизнинг бахтини, омадини берсин, ишлари бароридан келсин.

Наврўз шуқуҳи, кўклам шабодаси уфуриб турган шу дилбар фаслда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофидаги одамларга, оиласи, ёр-дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва эътибор билдиришга эҳтиёж сезади, сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ, ҳақиқатан ҳам миллий таомларимизни улар билан бирга баҳам кўришга интилади.

Маҳалла-қўй, эл-юрт билан аҳил бўлиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга, ногирон ва беморларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларнинг дуосини олиш сингари азал-азалдан халқимизга мансуб бундай олижаноб фазилатларимиз айни шу кунларда ўзининг яққол тасдиғини топишини кузатиш мумкин.

Шуни айтиш керак — кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намоёйишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳеч шубҳасиз, доимо ҳайратда қолиши муқаррар.

Наврўз руҳи, Наврўз фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлган ўлмас шарқона қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб келаётган халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошларим, азизларим!

Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадимиз бўлмиш янги жамият, янги ҳаёт қуриш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олиш учун қатъий қадамлар қўяётганимизни халқаро жамоатчилик эътироф этаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва янги куч-қувват бағишлайди, албатта.

Аввало, халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнати, ўз кучимиз ва салоҳиятимизни оқилона ишлатиш ҳисобидан эришаётган юксак натижа ва марраларимиз ҳақида гапирганда, эътиборингизни икки масалага алоҳида жалб этишни зарур, деб билардим.

Биринчидан, бугун мана шундай хавфли-тахликали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инқирози ҳали-бери давом этаётган пайтда эл-юртимиз нимаики натижаларни қўлга киритмасин, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустаҳкам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқаролараро тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисобидан, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачигидек асрашимиз ва сезгир бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этади.

Иккинчидан, биз ҳаётимизда эришаётган ютуқ ва марраларни халқаро ҳамжамият билан ҳамнафас бўлиб, узоқ ва яқин, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда иш тутишимизнинг самараси сифатида кўрамиз ва бундай ҳамкорликни янада кучайтириш тарафдоримиз.

Наврўз руҳи барчамизни айна шундай орзу-ниятлар ва интилиш билан яшашга даъват этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай шодиёна кунда шу юксак минбардан туриб, бугунги тантанамизда биз билан бирга иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, бизга хайрихоҳ бўлган барча дўсту биродарларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан самимий қутлашга руҳсат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги унутилмас, улуғ айёмда нуроний отахон ва онахонларимизни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ёшларимизни — ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган менинг фарзандларимни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Азиз бошингиз омон, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, бахту саодат ёр бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!





Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги

Ушбу сонга:

Наталья НАМ

Баётакорлик ишқоди

Нодира ҲОШИМОВА

*Симметрия —
эстетик мувоzanат*

Азим СУҲОН

Она каклик

Зулфия АЪЗАМОВА

Целуб

Феруза ҲАМРОЕВА

Илҳом таърифиди

Комил ЖОНТОЕВ

Денгизчи расом

Таҳририят:

бош муҳаррир

Азим СУҲОН

бош муҳаррир ўринбосари

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

масъул котиб

Комил ЖОНТОЕВ

фотомуҳбир

Машраб НУРИНБОЕВ

созишлар ва дизайн

Нигина ҚОДИРОВА

Баҳром БОБОЖОНОВ

наъбатчи муҳаррир

Шермурод СУБҲОН

Маънафачилик

кенгаши:

Акрамжон АДIZОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
хузуридаги «Ижод» фонди директори

Сувон НАЖБИДИНОВ

«Матбуот тарқатувчи» АК
бош директори

Абдуваҳоб НУРМАТОВ

Андижон вилояти ҳокимлиги
масъул ходими

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Маданият ва спорт
ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари

Азиз ТЎРАЕВ

Тошкент Давлат Маданият
институтининг ректори

Абдусалом УМАРОВ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси директори

Азамат ҲАЙДАРОВ

«Ўзбекнаво» эстрада
бирлашмаси бош директори

Муқоваларимизда:

1-бет: Ўсмирлар ўртасида дзю-до бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпионати мусобақасида 38 кг вазн тоифаси голиби Раҳимжон Субҳонов.

4-бет: Ёш хунарманд Умарбек Муҳаммадкаримов.

Бичими 60x84_{1/8}, Бузургма № 23. Адади: 4357 нусха. Ҳажми 6 б.т.

Босмахонага 19.04.2011 йилда топширилди. Босишга 19.04.2011 йилда рухсат этилди.

Таҳририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 233-25-66

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

Журнал «HILOL MEDIA» масъулияти чекланган жамият матбаа бўлимида офсет усулида

офсет қоғозига босилди. Бўлим манзили: Тошкент шаҳри, 21-мавзе, Фарҳод кўчаси, 1 «А»-уй.

e-mail: AzimSUYUNNUR@mail.ru



ОРЗУ-УМИДЛАР БАРҚ УРГАН МАСКАН

БОШ МАЙДОНДАГИ ЎЙЛАР

Пойтахтимизнинг қоқ маркази.
Мустақиллик майдони.

Ҳар гал шу майдондан ўтганимда кўпдан кўп ҳисларга чулганаман. Хаёлимда, гўё Ватан худди мана шу майдондан бошланадигандек туюлади. Бу ерда эртаю кеч юртдошларимиз ва меҳмонлар сайр қилишади. Аввало бахтиёр она ҳайкалини зиёрат қилиб, пойига гуллар қўйишади. Бунда «дунё тинчлиги оналар қўлида, оналаримиз доимо соғ-омон бўлишсин, оқил фарзандларни улғайтиришсин, юрт тинчлиги ва ободлигидан бахтиёрлик ҳисси уларни асло тарк этмасин» деган рамзий маъно

бор, албатта. Бахтиёр она сиймосига разм солсангиз, майдонда сайр қилиб юрган одамлардаги хотиржамлик, келажакка умид, яратиш ишқи, соф муҳаббатдан ва фаровонликдан мамнунлик туйғуси чехрасида акс этаётганлигини ҳис қиласиз. Бахтиёр она ҳайкали рўпарасидаги Мустақиллик ва эзгулик монументида акс этган лайлақлар ҳам мовий осмон узра эркин парвоз қилмоқда. Лайлақлар — тинчлик элчилари. Улар полапонларини дунёга келтириб, учирма қиладилар. Уруш ва қиргинлар бўлаётган ерларга улар асло яқин йўлашмайди.

Мустақиллик майдонида ҳар доим ана шундай ўйлар кўнглимдан кечади. Бу майдон ўтган йи-

гирма йиллик хотираларни эмас, неча-неча асрлар кечмишни ёдга солади. Искандар Мақдуний юришлари, мўғуллар босқинлари, оқпошшою қизил империя қирғинлари... Эҳ-ҳе, қанча савдолар ўтди бу халқ бошидан. Қанча уруш ва қатагонларни кўрди бу эл. Аммо умрининг ҳар бир лаҳзасида эртанги кунга умид кўзи билан боқиб, фақат интилиш, яратиш иштиёқи билан яшаган халқни қийратиб, буткул йўқотиб бўлмайди. Спитамен, Мангуберди, Амир Темур сингари ҳақиқий мардлик тимсолига айланган ўғлонлар бу халқнинг ўз юртини ҳар қандай ёвга осонликча топташиб қўймаслигини исботлади. Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Навоий, Бобур сингари буюк тафаккур соҳиблари бу элнинг қанчалик маънавий қудратга эга эканлигини намоён этди. Улар тафаккуридан бунёд бўлган бебаҳо бойликлар, неча асрлар мобайнида шаклланиб келган қадрият ва аъналарни йўқотмоқчи бўлган шўро тузумининг ўзи қисқа умр кечириб, ер юзидан буткул йўқолди. Бироқ бу қимматли мерос ва қадриятлар яшаб қолди ва абадий яшайди.

Буюк Истиқлол шарофати билан ўзбек халқининг азалий қадриятлари яна қадр топди. Ҳозир ҳар қадамда ана шу бобомерос аъналар давом этаётганлигига шоҳид бўлаяпмиз. Оддий тарбиядан тортиб, миллий байрам ва ўйинлар, ҳатто муҳташам бинолар қурилишида ҳам халқимизнинг ўлмас эзгу қадриятлари акс этмоқда. Шу кунларда бутун Ўзбекистон узра удумларимиз янада яққолроқ намоён бўлаяпти. Тозалик, ободончилик, ерга ниҳол қадашга қаратилган бу юмушлар оммавий ҳашар билан бошланиб, бу ёғи қутлуғ Наврўз шодиёналарига уланиб кетди. Наврўз — қутбарака, меҳр-оқибат байрами. У орзиқиб кутилган баҳордан дарак бериб келади. Уни ҳар ким ўзига хос шодлик ва ўзгача орзу-ниятлар билан қарши олади.

СУМАЛАКЧИ БОБО УЛАШГАН МЕҲР

Саҳар чоғи борлиқни сеҳрлаб, ажиб бир ҳайриқ янгради: «Гулбаҳо-о-ор — сумалак!» Дарров танидим, бу ахир, шаҳарга туташ қишлоқда яшайдиган Қулмамат бобо-ку. Кўпқаватли уйга кўчиб келганимиздан буён, баҳорни шу одам билан қарши оладиган бўлганмиз.

Астагина деразадан ташқарига боқарканман, юрагим ҳайрат ичра ҳаприқиб кетди. Бу не синоатки, кечаги изгиридан асар ҳам қолмаган, ос-

мон тип-тиниқ, салқингина шабада эсиб турарди. Ҳализамон кўёш чиқишини интиқлик билан кутаётган қушлар шохдан-шохга кўниб, Қулмамат бобонинг ҳайқириғига жўр бўлаётгандек чуғурлашишарди. Уйларнинг деразаларини чертишга чоғланаётгандек бўй чўзаётган ўрик шохларидаги куртаклар бодроқдек потирлаб очилишга ҳозирланиб қолибди. Қулмамат бобо янглишмаган экан. Оққўнгил бу чолнинг неча ёшга кирганлигини ҳам бу атрофда ҳеч ким билмайди. Соқоли кўксига тушган чоллар ҳам у кишини бобо, деб чақиришади.

Қулмамат бобонинг ажойиб одати бор. Ҳар йили кўкламнинг илк кунийёқ, бир қозон сумалак пишириб келиб, кўпқаватли уйлар орасида пайдо бўлади. Кафтларини оғзига карнай қилиб, одамларни сумалакка чақиради. Чолнинг ҳайқириғи билан шу куни ҳамма одатдагидан эртароқ уйғонади. Одамлар чолни кўриш баҳонасида деразаларини очишади. Шунда хонадонларга илк баҳор шабадаси киради. Болалар эса қўлларига пиёла олиб ташқарига отилишади. Баланд иморатлар ўртасидаги майдонча бир зумда чуғурчуқнинг уясига ўхшаб қийқириққа тўлади. Қулмамат бобо болаларга кўшилиб боладек яйрайди. Болалардан янги шеър, янги кўшиқ айтиб беришларини сўрайди. Бошқалари қийқиришиб рақсга тушишади. Деразалардан боқиб турган одамлар ҳам уларга кўшилиб завқланишади, чапак чалишади. Шундан кейин Қулмамат бобо арава устида турган сумалак тўла қозонни очади. Болаларнинг умид билан узатган пиёлаларини сумалакка тўлдириб беради. У сумалакни сотмайди, биров пул берса ҳам олмайди. «Сумалакни сотмайман, чуғурчуқларим. Бу тижорат эмас, бу савоб. Буни момолар пиширган. Ширин-шакар болаларга улашиб келгин, деб менга бериб юборишган. Момоларинг ҳаққига раҳмат айтиб қўйсаларинг бўлгани», — дейди чол кулиб. Наврўзгача у бир неча бор сумалак олиб келади. Кейинги келганларида «бугдой ҳаққи», деб ҳар ким атаганини беради.

Қулмамат бобога ҳамма болалар, албатта, салом беришади. Умуман, у кишини гузардаги каттаю-кичик ҳамма танийди, ҳурмат қилади, яхши кўради. Айниқса, болалар бобо қачон кўчадан ўтиб қолгудек бўлса, дарров атрофини ўраб олишади. Улар чолни сумалакчи бобо, деб чақиришга одатланишган.

— Сумалакчи бобо, бизга яна қачон сумалак олиб келасиз? — деб чуғурлашади болалар.

— Сумалак ҳақида, Наврӯз ҳақида яна қачон янги шеър, кўшиқ ёдласанглари, ўшанда олиб келаман.

— Мен ёдлаганман, мен ёдлаганман, — деб болалар бир-бирларига гал беришмайди.

— Қани, айтинглари-чи?

Болалар шошилиб шеър айтишади.

— Эҳ-ей, бу шеърларингни ўтган сафар келганимда айтиб бергансизлар. Менга фақат янги шеър ёдлаб келинглари, — дейди бобо ва болалар билан бироз қулишиб, кейин йўлида давом этади.

Деразадан қараб, Қулмамат бобонинг атрофида гирдикапалак бўлаётган болаларни кузатар эканман, беихтиёр завқим ортиб, ўзимнинг болалик дамларим ёдимга тушади. У пайтларда Наврӯз ҳозиргидек катта шодиёна қилинмас эди. Аммо қишлоқ кексалари сумалак баҳонасида йил бошини мўъжазгина нишонлашни қанда қилишмасди. «Эртага сумалак бошланармиш», деган гапни эшитимиз ҳамоноқ, босар-тусаримизни билолмай қолардик. Бир гала қишлоқ болалари толхивичдан от миниб, Майрам момонинг уйи олдида, ҳаммадан аввал ҳозир бўлардик. Майрам момонинг уйи ёнида, шундоққина сой ёқасидаги дўнгликда ўчоқ қурилиб, учта дошқозон келтирилди эди. Куч-қувватли эркаклар қозон-ўчоқни қуриб, сумалак сайлини бошлаб беришар эди. Кампирлар бош, ёш-яланг, хотин-халажлар кўмакдош бўлиб қозон атрофида уймаланишарди. Қозонга тошу буғдойлар солинаётганда ҳамма дуога қўл очиб, яхши ниятлар қилишар, аскарликда юрган йигитлар, касал ётган кишилар, албатта, тилга олинар эди. Биз ҳам чўп отларимизни ерга қўйиб, ҳамма қатори дуога қўшилар эдик. Биз гоҳ қозон атрофида қийқиришиб, гоҳ сойга тушиб сув кечиб чопар эдик.

— Боринглари, улларим, бир ўтин териб келинглари, — дейишарди момолар.

Ҳаммамиз қишлоқ оралаб кетиб, кўп ўтмай анчагина ёғоч уйиб ташлардик. Кейин Майрам момо:

— Улларим, энди ҳув анови қирдан бойчечак топиб келинглари. Ким топиб келса, биринчи бўлиб сумалак ейди, — дер эди.

«Отимизга» қамчи босиб, қирга чопиб кетардик. Қирдан ҳадеганда бойчечак топилавермасди. Бир сафар кечгача қидириб, кўплашиб битта бойчечак топиб келган эдик. Момоларимиз суюнганларидан дуолар қилиб, бойчечакни кўзларига суртишган эди.

Сумалак сайли шу зайлда бошланиб кетарди. Чақчақлашиб ўтирган эркаклар кечқурун аста уйлари тарқалишарди. Дошқозонлар атрофида хо-

тин-халажлар ва биз, болалар қолардик. Шовқини ёқтирмайдиган хотинлар бизни қувиб юбормоқчи бўлишарди. Жонимизга Майрам момо оро кирарди.

— Ҳай, ҳай, улларимни қувманглари. Сумалак болаларнинг қийқириги билан ширин бўлади-да. Ундан кўра буларга матал айтиб беринглари, лапар айтиб беринглари. Келинглари, улларим, мана бу ерга ўтириб, ўзларинг «Оқ теракми — кўк терак»ни бир яхшилаб айтиб беринглари-чи, — дер эди момо ва бизга бир сиқимдан туршак берарди.

Момонинг фарзанди йўқ эди, лекин болаларни жуда яхши кўрарди.

Туни билан улар қозон кўзгашар, маталу лати-фалар, лапарлар айтишар, рақсга тушишар, уйқу-сираб мункиб кетаётган болаларни ҳам ўйинга тортишар эди.

Бундай мароқли оқшом ҳар йили бир марта бўлар ва биз бу оқшомни йил бўйи интиқлик билан кутардик.

Эртаси куни сумалак тайёр бўлганда момоларимиз даставвал беш-ўнта косага сумалак сузиб, қишлоқдаги касал ётган қарияларнинг, ногиронларнинг уйларига юборишарди. Ўшанда бунинг маъносини тушунмас эдим. Энди англадимки, момоларимиз сумалакни шунчаки ҳавас учун пиширишмаган экан. Сумалак баҳона улар жамланишиб, кўнгили ёзишган, бир-бирларига қалбдан яқинлашишган, бутун қишлоқ аҳли йилда бир кун ҳамма ташвишларни унутиб, бир-бирларининг дийдорига интилишган бўлса, не ажаб. Ахир, аразлашиб юрганлар шу куни ярашишар, хаста ётганлардан биргалашиб кўнгили сўрашар эди. Улар «меҳр кўзда» деган иборани юрак-юрақдан ҳис этишган. Меҳр-оқибатли бўлиб улғайишсин, деб болаларни ҳам атрофларига жамлашган. О, бу сумалак сайлининг хосияти жудаям кўп экан.

Яқинда қишлоққа борганимда болалик хотираларимни ёдга солгувчи кўчалардан юрдим, сойни ҳам ораладим. Майрам момонинг ҳовлиси ёнидаги сумалакнинг қозон-ўчоғи қуриладиган дўнгликни узоқ тоғдан келадиган дайди селлар аллақачон олиб кетибди. Худо раҳмат қилгур Майрам момо ҳам, сумалак атрофида давра қуриб ўтирадиган момоларнинг кўплари ҳам энди йўқ. Аммо улар қолдирган кўнгили мерослари, анъаналари бутун ҳам давом этапти. Момолардан бу анъанани мерос қилиб олганлар ҳамон сумалак тайёрлашапти. Бундан, албатта, момоларимизнинг руҳлари шод бўлгусидир.

Сумалакнинг хосияти кўп. Борлиқни ҳайратга солувчи бу неъмат асли одамлардаги меҳр деган туйғудан яралган. Қулмамат бобонинг дошқозони атрофига ҳам болаларни, эҳтимол, ана шу меҳр аталмиш бебаҳо туйғу чорлаётир. Ҳар гал бободан баҳорий таомни олиб, уйларига тарқалаётган болаларга боқиб, сўз билан таъриф этиб бўлмас ҳисларга чулганаман. Назаримда, улар пиёлаларини тўлдириб, меҳр олиб кетишаётганга ўхшайди.

Мана, яна гузарда Қулмамат бобонинг ҳайқириги эшитилди: «Гулбаҳо-о-ор — сумалак!» Демак, фасллар келинчаги — кўклам келибди.

ШУКРОНАЛИК

Баҳор насимларидан дилларга шодлик, борлиққа файзу тароват инди. Ям-яшил майсалар устида чуғурлашиб ўйнаётган жажжи болакайларнинг беғубор чеҳраларига боқиб, нурли келажакни, кўпдан-кўп орзу-умидларимиз рўёбини кўргандек бўламиз. Болажон элнинг болалари учун бугун ҳамма нарса муҳайё. Мустақилликнинг илк кунларида дунёга келган, озод ватан бағрида ўсиб-уйғайган болалар бугун йигирма ёшга қарши олмоқда. Тинч ва обод юртда камолга етган бу йигит-қизлар бугун замонавий таълим масканларида

билим эгаллашяпти. Корхона, муассасаларда меҳнат қилиб, ўз куч ва салоҳиятларини намоён этишмоқда. Таълим масканларида улар учун барча замонавий имкониятлар яратилган. Болажонлар мактаб остонасига илк қадамларини қўйишлари биланоқ, уларга Президент совғалари тўхфа этилади. Бу ҳам бир эзгу рағбат. Зотан, шу юрт фарзандлари пухта билим эгаллаб, чиниқиб, Ватан равнақи йўлида бошланган хайрли ишларни муносиб давом эттиришлари лозим.

Бобомерос қадриятлар шу юрт, шу Ватанда бунёдга келган ва улар мана шу замин фарзандларини камолга етказишда энг муҳим таянч бўлади. Айни пайтда барча кўча ва гузарларни саришта этаётган, ниҳол экаётган ўғил-қизларни кўриб, азалий анъаналар давом этаётганига шукроналик келтирамыз. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар кўнгилни шод, шаҳар ва қишлоқларимизни обод этади. Ана шундай баҳорий кайфият, хайрли мақсадлар сари ташланаётган қадамлар бизни жонажон Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ тўйига тобора яқинлаштириб боради.

Уйғун РЎЗИЕВ



БАСТАКОРЛИК ИЖОДИ

XX асрда ёш миллий бастакорлик мактаби номояндалари асарларида дастурий мусиқани тадқиқ этиш муҳим йўналишлардан бирига айланди. Ҳар қандай халқ маданиятидаги дастурийлик, аввало, унинг анъанавий маданият замини билан ўзаро боғлиқ.

Ўрта Осиё халқларининг анъанавий мусиқаси тадқиқотчиси В.Виноградовнинг фикрига кўра: “Дастурийликка интилиш халқ эстетикасидан келиб чиқади. Шунга кўра мусиқа “ниманидир” ифодалаш лозим, шу “нимадир” кўпинча аниқ бадий тафаккур тарзидаги йўналиш ва безакларда ўз ифодасини топади. Бунда ҳар бир унсур ҳаётий ассоциациялар орқали тушунилади. Фольклор номояндалари ва кўпгина халқ мусиқачилари шуни таъкидлашадики, кўпгина дастурий чолғу асарлар дostonлардан ва вокал жанрлардан куртак олган: қисса, қўшиқ вақт ўтиши билан такомиллашиб чолғу кўринишига эга бўлган”.

Миллий бастакорлик мактаби шаклланишининг бошланғич даври чолғу мусиқасидаги мазмун масаласи тингловчининг қабул қилиши ва тушуниши нуктаи назаридан ўзига хос аҳамият касб этади. Монодия санъати анъаналарида тарбияланган тингловчи чолғунинг ҳар доим “нимадир” ҳақида ижро этаётганлигини тушунади. Шунга кўра профессионал скрипкачи ёки пианиночи ижросини қабул қилаётганда тингловчи бу мусиқа “нима ҳақида” эканлигини билгиси келади.

В. Виноградовнинг фикрига кўра, дастлабки бастакорлик тажрибалари асосида яратилган асарлар “ўзини вужудга келтирган муҳитдан кўп ҳам ажралиб чиқмаган”. Бу даврда бастакорлар фольклор куйларидан иқтибос ёки қурамачилик усул-

ларидан кўп фойдаланишган. Бу ҳол ўтган асрнинг 20-йилларида вужудга келиб, маҳаллий асосда мустақам илдиз отди ва профессионал мусиқанинг вужудга келишига ижобий таъсир кўрсатди.

Шу тариқа дастурийликни тушунишнинг илк тури вужудга келди. Бу ҳодисани мусиқашунос М. Тарақонов жанрли дастурийлик деб атади. Мазкур мустақил жанрни олим рус мактаби тажрибалари асосида тадқиқ этиб, Н.Римский-Корсаковнинг машҳур фикрларини келтириб ўтади: “Мен учун халқ кўшиғи ўзига хос дастурийликдир”. Дарҳақиқат, халққа машҳур бўлган куй сўзсиз ҳам унинг кайфиятини сақлаб қолади.

Ўзбек бастакорларининг илк асарлари номланишида монодиянинг аниқ мисолини ёки фақат жанр жиҳатидан ифодаланишини биз ҳам жанрли дастурийлик деб тушунишимиз мумкин. Бунга ёрқин мисол сифатида А. Козловскийнинг “Тановар” поэмасини келтиришимиз мумкин. Бу машҳур лирик қўшиқ кайфияти бастакорнинг кириш ҳамда тугаланиш билан ўралган симфоник вариантда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Жанрнинг бундай турдаги иқтибослаш ва микроиқтибослаш усули фақат алоҳида асарлардагина эмас, балки сюита туркумларида ҳам ўз аксини топган. Мисол тарзида В. Дешевонинг “Самарқанд сюита”си, Б. Гиенконинг “Хоразм сюита”си, А. Козловскийнинг “Қорақалпоқ мавзуларига сюита”, С. Юдаковнинг “Хоразм тантасидаги байрам” ва ҳоказоларни келтиришимиз мумкин.

Кейинчалик, бирламчи жанрлар билан алоқалар бошқа мазмунга эга бўла бошлади. Иқтибослаш усулидан чекиниб, жанр сарлавҳаси қўллай бошланди (масалан, “Мухаммас ва Уфур”, “Муш-

килот”, “Мақом”), бастакорлар бирламчи жанрларнинг табиатини алоҳида ва асл тарзда талқин қила бошладилар.

Дастурийлик ривожланишининг кейинги босқичи бир неча йўналишларга ажралди. Жанрли дастурийликнинг ижодий, янгидан уюшган тури бизнинг давримизгача сақланиб қолинган. Бу билан ёнма-ён тарзда унинг икки асосий тури шакллана бошлади: сюжетли, вақт билан белгиланган ва маконли тасвирий.

40-50 йилларда сюжетли турнинг вужудга келиши муҳим қадамлардан бири бўлди. Бастакорлик мактаби намояналари энди янги ижодий масалаларга эътибор қаратишди: кўп овозли миллий ёзув номларини вужудга келтиришдан ташқари, унга хос бўлган ривожланиш тамойилларини ишлаб чиқишди.

Умуман олганда, ўзбек бастакорларининг дастурий асарлари билан илк маротаба танишганда соф турдаги сюжетли дастурийлик ҳодисаларнинг вақт мантиғига бўйсунуши кенг тарқалмаган, деган фикрга келиш мумкин. Фақатгина дастурий тарзда маконни тасвирлаш, дастурий кайфият ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси кенгроқ тарқалган ҳодисадир.

Бастакорлар томонидан сюжетнинг бир турини кўп маротаба танлаш маросимни барча босқичлари билан ифодалашдир. Бунга мисол қилиб А. Козловскийнинг “Лола” сюитасини келтиришимиз мумкин. Асарнинг биринчи қисми лола терувчиларнинг тоққа чиқаётганлиги тимсолидир. Учинчи қисмдаги фактуранинг мураккаблашиши ва динамик жиҳатдан ўсиш усули лолачиларнинг тоғдан қайтишини товушлар орқали ифодалайди.

Кейинчалик, Т. Қурбонов ўзининг “Тўй” асарида маросим сюжетига таянган. Умуман олганда, асар кичик туркум ва fuga турида ёзилган, лекин бастакор уни дастурли сюжетга асослаб анъанавий

тўй маросимини кўрсатган. Муסיқашунос И. Мальмбергнинг гувоҳлик беришича, асар боши келин уйидаги ҳодисаларни тасвирлайди, давоми эса куёв уйидаги воқеаларни гавдалантиради.

И. Акбаровнинг Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган “Самарқанд ҳикоялари” асарида симфоник мантиқ кўзга ташланади: гоҳида тасвирий мўйқалам, гоҳи таранг-драматик ҳаракат, гоҳи ҳиссий ҳолат, гоҳи эса тантанали халқ саҳналари намояна бўлади. Муסיқашунос Н. Янов-Яновская бу асарни «Дастурий симфониянинг энг яхши намуналаридан бири», дея таъриф беради.

Т. Қурбонов “Тарих зарварақлари” номли икки қисмли полифоник туркумида янги дастурий тамойил яратди. Бу ерда мазмун жиҳатидан тарих ўта ихчам кўрсатилади ҳамда унда воқеа-ҳодисалар ва образлар шу даражада бирин-кетин алмашиниб келадикки, муסיқашунос И. Мальмберг бу ҳолат драматургиясини “кадрли кинематография тамойили” билан солиштиради.

Хуллас, юқорида таъкидланган уч асар дастури саҳифалари нуқтаи назаридан бир-бирига яқиндир. Лекин ҳақиқатда эса улар турли бадиий ечимдаги асарлардир: дастурий симфония, полифоник туркум ва миниатюралари фортепиано туркумидир.

Ўзбек бастакорлари ижоди жаҳон муסיқашунослари асарлари билан беллаша оладиган етук асарлардир. Улар нафақат юртимизда, балки дунё муסיқашунослигида ўрганиладиган кенг мавзудир.

Наталья НАМ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси



ТЕАТР САНЪАТИ ҲАМИША ДОЛЗАРБ

Театр санъати ўз табиатига кўра жамоа ижоди бўлиб, бунда меҳнатнинг қатъий ташкил этилиши ва яхши бошқарилиши талаб қилинади. Бугунги кунда бу борадаги асосий иш – ижодий соҳада бозор қонуниятларини чуқур тушуниш ва амалий қўллашдан иборат. Бошқарувга, репертуарни шакллантиришга, томошабинларни жалб этишга янгича ёндашув қарор топган театрларда чет элга ижодий сафарлар, ижодий ва молиявий барқарорлик мавжуд. Янгиликларга ишончсиз муносабатда бўлган айрим театрларда эса ижодий турғунлик ҳукм сурмоқда. Театрларда ҳам замонавий менежмент асосларини жорий этиб, бошқарувда махсус тайёргарлик кўрган, бозор иқтисодиётини яхши тушунган менежерлар хизматидан фойдаланиш вақти келди. Ижодий жамоалар томошабинлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа асосида ишлаши, янги спектакль учун кетган сарф-харажатни қоплаш билан чекланмай, фойда олиши ва шу асосда ривожланиши лозим. Умуман, репертуарни янгилаб туриш, прокат, реклама, сервис каби театр технологиясининг мунтазам ишлаб туришини таъминлаш, бино ва сахнани тартибга келтириб туришни бир тизимга солиш ишбилармон раҳбар томонидан бошқариб борилиши керак.

Давлат ҳозирги кунда улкан театр тармоғини молиявий жиҳатдан таъминлайди. Айни пайтда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, бошқа мутасадди ташкилотлар маҳаллий театрлар учун масъуллиқни кўпроқ ўз зиммаларига олишлари керак. Театрлар бюджетга таянган ҳолда ҳомийлар топиши, иқтидорли драматург ва режиссёрлар билан шартнома тузиши, айрим спектакллар сахналаштирилишини инвесторлар томонидан молияланишига эришишлари ўта муҳим.

Бугунги кунда театр ва театр ходимларини қўллаб-қувватлашнинг янги шакл ва усуллари аниқланмоқда. Бу ёрдам турли мукофотлар, молиявий дастурлар, шартнома бўйича ишлар, республиканинг ва халқаро жамғармаларнинг грантлари шаклида бўлиши мумкин.

Театрлар бошқарувини яхшилаш учун уларнинг мақоми, тузилмаларини қайта кўриб чиқиш лозим. Гап шундаки, аксар вилоят театрлари мусиқали драма театри деб аталиб келинаётган бўлса-да, амалда уларнинг труппалари созанда ва балет ҳисобига қисқариб, аллақачон драма театрига айланиб қолган. Зарур пайтларда фонограммдан фойдаланишга ўтиб олишган.

Шундай бўлгач, бу ҳолатни қонуний эътироф этиш ўринли. Шунингдек, болалар, ўсмирлар ва ёшларга хизмат кўрсатишни махсус театрлардан ташқари барча вилоят ва шаҳар театрлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир.

Ахборот-коммуникация технологияси ривожлангани сайин театр санъатининг компонентлари кучайиб, янгиланиб бораверади. Театр санъати таркибини ҳосил қилган драматургия, режиссура, актёрлик санъати, сценография, театр мусиқаси, балет ва сахнавий рақс; шу санъатга алоқадор сахна мутахассисларини тайёрлаш тизими; услубият, театр танқидчилиги каби соҳаларда ҳам ўзгаришлар билан бирга муаммолар ҳам талай. Ҳозирги кунда замонавий театримиз учун ўта долзарб репертуар ва унинг асосини ташкил этувчи миллий драматургия масалаларига тўхталиб ўтсак. Тўғри, ушбу масалаларни барча 37 та давлат театри ва бошқа тоифадаги 100 га яқин театрлар мисолида кўриб чиқиш қийин. Шу боис Республикаимизнинг отахон театри Ўзбек Миллий академик драма театрида қандай ҳал этилаётгани ҳақида фикр юритамиз. Унинг репертуаридан қуйидаги беш тоифа асарлар ўрин олганини кўраимиз:

1. Жаҳон ва миллий мумтоз асарлари негизида яратилган «Қирол Лир», «Гамлет», «Ёз туни гаройиботлари» (Шекспир), «Макр ва муҳаббат» (Шиллер), «Донишманд Натан» (Лессинг), «Етти фарёд», «Дарахтлар тик туриб жон беради» (Кассона), «Тун албатта ўтади» (Эдуарде де Филиппо), «Чегара устидаги уй» (Мрожак) спектакллари, «Алишер Навоий» (Уйғун ва И.Султон), «Мирзо Улуғбек» (М.Шайхзода) тарихий драмаларининг янги талқинлари;

2. Репертуардан миллий тарихий драма мустаҳкам ўрин эгаллаган. «Соҳибқирон» (А.Орипов), «Пири қонот» (Ҳ.Расул), «Кундузсиз кечалар», «Адибнинг умри» (У.Азим), «Усмон Носир» (Н.Рашидова), «Жаҳон отин Увайсий» (З.Солиева) каби спектакллар шундан далолат беради. Фафур Ғулумнинг «Шум бола» ва бошқа қиссалари асосида яратилган «Ўтган замон ҳангомалари» (У.Азим) спектаклини ҳам шу тоифага киритиш мумкин;

3. Фольклор-этнографик ва маиший-ҳажвий томшалар. Бунга мисол қилиб «Хотинлар “гапи”дан чиққан ҳангома» (Ҳ.Муҳаммад), «Чимилдиқ», «Қаллиқ ўйин», «Қирмизи олма», «Андишали келинчак» (Э.Хушвақт), «Дадажон демайман» (С.Имомов),

«Нексия» (Ж.Жабборов) каби бир қатор спектаклларни кўрсатиш мумкин;

4. Замоновий реал воқеаларни хаёлий-афсонавий, диний-мистик тасаввурлар билан омухта қилиб тасвирловчи «Шайтон ва фаришта» (С.Имомов), «Олтин қиз» (Ҳ.Расул), «Уч кунлик дунё» (Н.Қодиров) сингари спектакллар театр репертуарида алоҳида бир тоифани ташкил этиб келади;

5. Ниҳоят, ижтимоий мазмунли, янги даврнинг мураккаб, зиддиятли муаммоларини ёритувчи «Бир қадам йўл» (У.Азим), «Омонат дунё» (Т.Маҳмудов ва Д.Маҳмудова), «Бевалар» (З.Солиева), «Талваса» (Э.Аъзам), «Тақдир синовлари» (Қ.Норқобил) каби спектакллар.

Миллий академик драма театри репертуар тузишда турли тоифа асарларни саҳналаштиришга эътибор бериши, уларни талқин этишда ижодий изланишлар йўлидан бориши, аста-секин давлат лойиҳалари ва драматурглар билан шартнома тузиш асосида ишлашга ўтиши, халқ маросимлари, урф-одатларига таянган ҳолда саҳнавий томошалар яратишга меҳр қўйиши ва бошқа кўпгина хусусиятлари вилоят театрларига ўрناк бўлиб келганини қайд этиш мумкин. Бироқ ҳар қайси вилоят театри Миллий театр тенденциялари ва қизиқишларидан таъсирланган бўлса-да, репертуар тузиш ва аҳолига кўрсатишда ҳар қайсиси ўзича мустақил иш олиб борди. Ҳатто М.Уйғур номли Сурхондарё театри, О.Хўжаев номли Сирдарё театрига ўхшаш баъзи вилоят театрлари драматурглар билан мустақил иш олиб боришда, мавзу ва жанр ранг-баранглигида ижодий ютуқларга эришишди.

Вилоят театрлари орасида лойиҳа асосида ишлашнинг афзаллигини биринчи бўлиб Сурхондарё вилоят театри жамоаси ва унинг раҳбари Мансур Равшанов тўғри англаб, истеъфодаги ҳарбий Муҳаммад Бобоев асари асосида «Ўлим халқаси» спектаклини яратди. Спектакль Наманган шаҳрида «XXI аср ўзбек театри: режиссёрлик ва актёрлик санъати истиқболи» мавзуида ўтказилган семинар-кенгашда кўрсатилиб ижобий баҳо олгач, республика бўйлаб намойиш этилди. Театр ўз спектаклини Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида намойиш қилиб, Миллий академик драма театри саҳнасида ижодий сафарини якунлади. Лойиҳа асосида ватанпарварлик мавзуида яратилган ушбу спектакл ва унинг ижодкорларини ҳамма жойда илиқ қабул қилишди. Бундан театр жамоасининг руҳи кўтарилди, ўзи танлаган йўлига ишонч ҳисси кучайди. Натижада бошқа театрларда, шу жумладан, Миллий театрда ҳам лойиҳа асосида ишлашга қизиқиш бошланди. Умуман, вилоят театрларида долзарб ижтимоий мавзулардаги асарларни саҳналаштириш ва уларни аҳолига кўрсатиш яхши йўлга қўйила бошланди. Албатта, бу ҳаракат ҳамма жойда ҳам бир хилда самарали ва изчил деб бўлмайди. Фаолияти нуқул комедия ва фольклор-этнографик томошаларни намойиш этишдан иборат бўлиб қолган жамоалар ҳам йўқ эмас.

Бундан кейин театрлар репертуарини яхшилашда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш зарур деб биламиз:

Театр-студиялари, мўъжаз ижодий гуруҳлар томонидан тор доира томошабинларга мўлжалланган томошалар кўрсатилишини рағбатлантириш;

Бир асар асосида ишлайдиган ижодий гуруҳни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Театр тарғиботи, томошабинлар билан ишлаш масалаларига эътиборни кучайтириш, ижодий учрашувларни мунтазам олиб бориш;

Ишлаб чиқариш корхоналари ва ўқув юртлари билан шартномалар тузиб, энг яхши саҳна асарлари мисолида томошабинларнинг, айниқса, ёшларнинг бадиий-эстетик савиясини ошириш;

Давлат ва хусусий лойиҳаларнинг бажарилиши йўлидаги ишларга саҳна ижодкорларининг (драматург, режиссёр, расом, актёрлар) барчасини жалб этиш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш.

Шубҳасиз, драматурглар билан жамият учун долзарб мавзуларда янги асар яратиш устида мунтазам иш олиб бориш ва уни яхши бадиий савияда саҳналаштириш ҳар бир театрнинг муқаддас бурчи бўлиши лозим. Зеро, туб асар ўзбек театри репертуарининг асосини ташкил этади ва миллий ўзига хослигини таъминлайди. Шундай экан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Замоновий долзарб мавзуларни акс эттиришни диққат марказида тутиб туриш; тарихий драматургияга бундан кейин ҳам эътиборни кучайтириш; тарихий ва замоновий асарларнинг саҳнавий талқинларида услубий ва жанр ранг-баранглигига эришиш йўлидан бориш;

2. Драматурглар эътиборини мавзу, жанр, бадиий услуб ранг-баранглигига қаратиш, саҳна асари поэтикасини ривожлантириш ва шу мақсадда семинарлар ўтказиш;


3. Саҳнавий асарларда миллий ўзига хослик ва миллий руҳни кучайтириш, айти чоғда, жаҳон театрида мавжуд илғор изланишлардан озиқланишни рағбатлантириш;

4. Муайян мавзу ва жанрлар бўйича драматурглар билан шартномалар тузиш асосида иш олиб бориш;

5. Драматургларни театрларга бириктириш ва шу асосда ёзувчи ва театр ижодий алоқаларининг изчил давом этишини таъминлаш.

Ўзбек театри янги XXI асрда XX асрда эришган ютуқларини бой бермаслиги, аксинча, ривожлантириши, минг-минг йилларни босиб ўтган маънавий ва маданий меросимиздан янада оқилона ва унумлироқ озиқланиши, миллий ўзига хослигини сақлаши ва кучайтириши, айти чоғда жаҳон театр санъатидаги ижодий изланишлардан хабардор бўлиб, лозим ўринларда улардан фойдаланиши, мумтоз драматургиянинг энг сара ва мазмундор асарларини бундан кейин ҳам саҳналаштиришни давом эттириши жуда муҳим.

Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ



СИММЕТРИЯ — ЭСТЕТИК МУВОЗАНАТ

Инсон тартибсизликдан кўра тартибни, мураккабликка қараганда оддийликни, номаълумликка нисбатан аниқликни яхши кўради. У ўз фаолиятида симметрияга интилади, чунки симметрия тургунлик шакли эканлигини тушунади. Бизни ўраб турган одамлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва нарсалар шакли симметрик бўлганлиги сабабли, бизнинг кўзимиз симметрик объектларни кўришга ўрганиб қолган, улар бизга мувозанатли ва мукамал бўлиб туюлади.

Симметрия тушунчаси барча эстетик категорияларга мос келиб, универсалдир ҳамда у гўзалликнинг асосий қонуниятларини яратишда пойдевор ҳисобланади.

“Симметрия кенг ва тор маънода шундай ғояки, унинг ёрдамида инсон асрлар давомида тартиб, гўзаллик ва мукамалликни англаш ва яратишга интилиб келган” — деб таъкидлайди таниқли немис математиги Г.Вейль.

Симметрия сўзи юнончада «бир-бирига тўғри келиш» мазмунини англатади. Ҳозирда у кенг маънога эга бўлиб, мувозанат, мутаносиблик, мукамаллик, уйғунлик, мақсадга мувофиқлик, тартиблилик, тенглик, қисмларнинг бир-бирига мослиги, гўзаллик, ўнг ва чап тарафлар бир хиллигини билдиради.

Симметриянинг эстетик таърифи қуйидагичадир: «яхлит тузилма қисмларининг фазода гармоник жойлашуви, уларнинг тенглиги ва бир-бирига мослигидир».

Симметрия ҳақидаги таълимот Фисоғурс мактабида туғилиб, гўзаллик ҳиссиёти ўз ичида қатъий математик муносабатларни қамрайди, деган тушунчани англатган.

Арастунинг эстетик қарашларида гармония ва симметрия тушунчалари жуда яқин туради. Фай-

ласуф Хрисипп қарашида эса симметриянинг хусусияти шаклнинг яхлитлигига нисбатан акс эттирилган: “Қисмларнинг бир-бирига ва яхлитликка бўлган симметрияси таннинг гўзаллигини яратганидай, жоннинг гўзаллигини онг симметрияси ташкил қилади ва унинг яхлитлик ва бир-бирига бўлган муносабатлар кесимини яратади”.

Антик даврда тенглик, ўхшашлик, бир ўлчамлик категориялари ёрдамида шаклнинг геометрик унсур ёки математик характеристикасига асосланган бадиий асарларнинг композициясида симметриянинг ўрганилиши бу тушунчанинг махсус математик-геометрик аҳамиятини белгилашга олиб келди. Симметриянинг бундай тамойили кейинчалик математик ва табиий фанларда алоҳида ривож топди.

Ана шу даврда гўзаллик ҳақидаги тасаввур симметрия ёки бир-бирига тенгликни англатган. Шунга айтиб ўтиш керакки, симметрия ғояси ижод тамойили ҳамда бадиий усулнинг таркибий қисми сифатида ҳам хизмат қилган. Қадимги юнон ва Римнинг меъморчилик ва амалий-безак санъат асарлари симметрия тамойилига асосланган. Шундай қилиб, антик файласуфлар қарашларида симметрия тушунчаси эстетик ҳамда математик аҳамият касб этган.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг таниқли қомусий билимларга эга бўлган олимлари қадимги юнон файласуфларининг ишларини яхши билганлар ва ўз рисолаларида уларга таянганлар. Уларни ҳам ишларида сонлар тенглик, бирлик ва тартиблик қонунларини акс эттирган. Масалан, қадимги Юнонистон ва кейинчалик Марказий Осиё олимларининг рисолаларида мусиқа математиканинг бир қисми бўлган.

Тадқиқотларини араб тилида ёзган олимлар гар-

мония тушунчасини кенг универсал талқин этишган. Улар гармония, мутаносиблик, мувозанат, мукамаллик, тенглик, мослик, тартиб, тенгўлчамлик, ўхшаш, биртурлик, бирхиллик каби гоёларни “нисбат”, “таносиб” ва бошқа сўзлар орқали ифодалашган бўлиб, уларни нафақат коинот билан, балки математика, астрономия, механика, музика ва тиббиёт билан боғлашган. Бу олимлар ҳам гармония сон орқали ҳисобланишига астойдил ишонганлар.

Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём каби улуғ олимларнинг эстетик гоёларида гўзаллик ва унинг аҳамияти бир-бирдан ажратилмаган. Ал-Беруний ўсимликлар, кристаллар, қор парчалари, асалари уяларининг тузилиши билан шуғулланганда табиатда сон ва геометрия қонунлари мавжудлигига амин бўлади. Табиатнинг гармониклиги ҳақида Ибн Сино ҳам жуда кўп таъкидлайди.

“Софлик биродарлари ва вафо дўстлари” иттифоқининг олимлари гармония гоёси табиат ва санъатда асосий ўрин эгаллайди дейишган, чунки ўхшашлик, мослик ва яқинлик бу тушунчага хос бўлиб, “табиат гўзаллиги тузилишининг мутаносиблигидан ва қисмларининг уйғунлигидан келиб чиқади”.

Ҳозирда симметрия тушунчаси шунчалик кенг ва чуқур маънога эгаки, унга тегишли категориялар илм ва санъатшуносликнинг барча соҳаларида ўрганилади.


Симметриянинг аҳамияти барча фан ва санъат турларида муҳим бўлиб, унинг ифодаланиши тузилма билан боғлиқдир. Симметрияни табиат қонуниятлари ва илмий ўрганиш тамоили сифатида кўриб чиққан тадқиқотчи олим Н.Овчинниковнинг «Тузилиш бор жойда симметрия ҳам бор», деган фикри бунга яна бир далолатдир.

Симметрия хусусиятлари санъат асарларидаги тузилмалар қонуниятларини ўрганувчи тадқиқотчиларнинг эътиборини кўпдан бери ўзига жалб этиб келган. Рассомчилик, меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва бошқа маконий санъат турларига оид асарларда ҳам симметрия унсурларини яққол кўриш мумкин. Бу соҳада симметриянинг энг тарқалган тури — кўзгусимон, яъни чап ва ўнг тарафлар мослигидир. Вақтли санъат турларида эса симметрия унсурларини кузатиш қийинроқдир. Айниқса, товушлар орқали образ, кайфиятларни ифодалаб берувчи музика санъатида симметрия хусусиятларини ҳис этиш учун муайян вақт давомида хотирани ишлатиш керак. Шунинг учун ҳам музикада такрор катта аҳамиятга эга бўлиб, у орқали унсурлар тартибланади, тузилма шаклланади, бирлик яратилади. Халқ ижодиётининг оғзаки анъана орқали ривожланиб, бизгача етиб кели-

шида такрор эслаб қолиш вазифасини ўтайди. Музика санъатида симметриянинг турларидан энг оддийси такрор қулоққа яққол эшитилиб, энгил идрок этилади ва асосий музикавий мавзунга тасдиқлайди.

Симметрия санъаткор томонидан кўпинча интуитив даражада акс эттирилади. Машҳур санъаткорлар ўз асарларида симметрия тамойилларини жуда кенг қўллаган, улар бу ҳақда билимларга эга бўлмаса ҳам кўпинча катта аниқлик билан ишлатганлар. Албатта, олдинги мумтоз шоир, бас-такорлар ва бошқа санъаткорлар бундай маълумотга эга эмас эдилар, шунинг учун ҳам қуйидаги хулоса юзага келиб чиқади: симметрия инсоннинг ички тўғрилиқ ҳиссиёти натижасидир.

Нодира ҲОШИМОВА,
Тошкент Давлат Миллий рақс ва
хореография олий мактаби катта ўқитувчиси



КОЛЛЕЖЛАР ҲАЁТИДАН

ЧИРЧИҚ ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ

Тошкент вилояти мамлакатимизда ўзига хос ўрни, нуфузи ва салоҳиятига эга. Бу жаннатмакон маскандда юзга яқин миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ва аҳил-иноқликда яшаб, самарали меҳнатлари билан Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Саноат ва спорт шаҳри бўлган Чирчиқ эса шу азиз масканнын ажралмас бир қисмидир. Ана шундай бетакрор заминда жисмоний соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялашдек устувор вазифа ҳам тўла-тўқис амалга оширилиб келинапти. Шундай таълим муассасаларидан бири Чирчиқ Олимпия захиралари коллежидир.

Билим юрти ўз фаолияти давомида Республика терма жамоаларига кўплаб етук спортчиларни тайёрлади. Мураббийлар салоҳияти юқори бўлишига эришилди.

Спортчиларнинг юқори натижалари учун бир қатор мураббийлар юксак мукофотландилар. Миллий Олимпия кўмитаси аъзоси, Республика дзю-до федерацияси вице-президенти, Ўзбекистон Республикаси бокс федерациясининг ижрочи директори ҳамда Тошкент вилояти бокс федерациясининг котиби вазифаларини бажарувчи Эркин Юсупов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими», А. Аверьянов, Владислав Искандеров, Михаил Романчук, Содир Шомасудов, Муҳиддин Миербеков, Сервер Мурдасиловлар эса, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвонига сазовор бўлдилар.

Дастлаб иккита бўлим билан фаолиятни бошлаган билим юртида мураббийлар салоҳиятини инобатга олиб, дзю-до, велоспорт, енгил атлетика, оғир атлетика, футбол спорт турлари очилиб, бу спорт турлари бўйича ҳам натижалар юқори бўлди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-Қарорига асосан билим юрти Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи деб номланди. Коллеж жамоаси Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида ҳукумат томонидан чиқарилаётган бир қатор Қарорларни бажариш мақсадида билим даргоҳида кураш, футбол ва турон бўлимларини очдилар. Айниқса, 2004-2005 ўқув йили коллеж спортчилари қувончига қувонч қўшди. Жуда катта маблағлар ҳисобига қайта қуриб топширилган коллеж биноси ишга тушди. 13500 ўринли стадион, 2500 томошабинни қабул қила оладиган манеж, ёпиқ ва иккита очиқ бассейн, барча қулайликларга эга бўлган 300 ўринли ётоқхона, 250 ўринли шинам ошхона, 72 кв. м га эга кутуб-

хона, 40 ўринли қироатхона, иккита фаоллар зали, иккита лингофон хонаси, иккита информатика хонаси ўқувчиларга хизмат қила бошлади.

Бу иншоотлар нафақат коллеж талабаларига, балки, маҳалла аҳли, спортга иштиёқманд бўлган барча учун очиқдир. Спорт иншоотларининг ишга тушиши муносабати билан 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб, коллежда сузиш, теннис, волейбол бўлимлари очилди.

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида 2010-2011 ўқув йилида асос бўйича 641 нафар ўқувчи 18 спорт тури бўйича таҳсил олмоқда. Уларга 28 нафар олий маълумотли ўқитувчи ва 79 нафар мураббий-ўқитувчи билим ва спорт кўникмаларидан сабоқ бериб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида коллеж ўқувчилари Республика ва бир қатор халқаро турнирларда иштирок этиб муайян натижаларни қўлга киритди. Мавжуд 600 нафар спортчи ўқувчидан 42 нафари — Ўзбекистон терма жамоалари аъзоси ва 96 нафари аъзоликка номзоддир. Спорт усталигига номзодлар 224 нафар, Спорт усталари 9 нафар, Халқаро тоифадаги спорт устаси 1 нафар, Ўзбекистон биринчилиги голиблари 45 нафар, Ўзбекистон биринчилиги совриндорлари 104 нафар, Ўзбекистон Чемпионати голиблари 8 нафар, совриндорлар 26 нафар. Осиё биринчилигида 3 нафар совриндор, Жаҳон биринчилигида 9 нафар совриндор, турли миқёсдаги халқаро турнирларда 56 нафар голиб ва 133 нафар совринли ўринлар қўлга киритилди. Бокс, дзю-до, кураш, оғир атлетика, турон, таэквон-до, енгил атлетика, эшкак эшиш, эркин кураш каби бўлимларда муайян ютуқлар қайд этилди.

Спортчилардан Ғайрат Есимбетов (дзю-до), Даврон Сатторов (кураш), Турсунбой Абдумаликов (оғир атлетика), Денис Шайманов (велоспорт), Ксения Палунина (эшкак эшиш), Бекзод Йўлдошев (бокс), Абдор Аҳмедов, Бекзод Сафаров, Элбек Султонов (турон)лар йирик Халқаро турнирлар, Осиё ва Жаҳон биринчилиги ҳамда чемпионатларининг голиби ва совриндорлари бўлишди. 2008 йил Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида коллежнинг 4 нафар спортчиси Юсупов Шерзод (оғир атлетика), Шарипов Мирали, Мўминов Шокир (дзю-до), Минков Вадим (эшкак эшиш), Паролимпия ўйинларида 1 нафар спортчи Диганшин Равиль иштирок этишганлиги диққатга сазовор.

Комил ЖОНТООБ тайёрлади

НУКУС МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ КОЛЛЕЖИ

Халқимиз турмушининг ажралмас бир қисми бўлган миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш унинг ютуқларини тарғиб этиш, мусиқа маданиятига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, бу соҳа учун махсус маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилган Нукус мусиқа билим юрти мустақиллик йилларида ўзининг алоҳида мавқеига эга бўлди. Ушбу маскан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги “Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 338-сонли қарорига мувофиқ, 2003 йил Нукус санъат коллежи, 2005 йилдан эса Нукус маданият ва санъат коллежи деб номланиб келинмоқда.

Республикамизнинг умумтаълим, маданият ва санъат муассасалари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ҳаваскорлик жамоаларига мутахассислар тайёрлаб беришда салмоқли ўринга эга бу ўқув юртида ташкил этилган йили 5 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган бўлса, бугунги кунда 16 йўналишда мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилган.

Таълим муассасасининг моддий-техник базаси ривожлантирилиб ўқув хоналари, фан кабинетлари, амалиёт ва лаборатория хоналари таълим стандартлари талабларига мос янги асбоб-ускуналар, ўқув куроллари, замонавий мусиқа асбоблари билан таъминланган. Келажакимиз бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, ўзи танлаган касби бўйича чуқур билим олиши учун бу ерда барча шароитлар мавжуд. Мазкур таълим муассасаси очилган даврдан шу кунга қадар 14 мингдан ортиқ мутахассис битириб чиқиб, улар ҳозирги кунда элимизнинг маданий ижтимоий турмушида фаол қатнашиб, маданият ва санъатнинг барча соҳаларида унумли ижодий меҳнат қилиш билан ўз халқининг чексиз олқишига сазовор бўлмоқда.

Таълим соҳасида юритилаётган ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш, келажакимиз бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланган, билимли, етук инсонлар бўлиб камол топиши, чуқур таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллашида уларга билим бераётган устозларнинг хизмати жуда каттадир.

Таълим муассасаси махсус олий маълумотга, катта иш тажрибасига эга, ўз касбининг ҳақиқий фидойиларига айланган етук мутахассислар билан таъминланган.

2010 йил коллеж ўқитувчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари натижасида Республикаимизнинг фахрий унвонларини олишга эришишди. Т. Каллиев “Ўзбекистон халқ бахшиси”, У. Абдуллаева “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвонлари билан мукофотланди.

Сўнгги йилларда коллеж ўқитувчи ва иқтидорли ёшларининг ижодий фаоллиги сезиларли даражада ўсди. Улар Республикаимизда ўтказилаётган ҳар хил анжуманларга, байрам томошалари ва маданий-оммабоп тадбирлар билан бир қаторда халқаро, Республика миқёсида ўтказилаётган танловларда қатнашиб, фахрий ўринларни эгаллаб келатганлиги коллежнинг келажакига порлоқ эканлигидан далолат беради.

Холбой ТУРДИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Маданият ва Спорт ишлари вазири

НУКУС ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ

Коллежимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январдаги ПҚ-1029-сонли «2012 йили Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиядага таъриғарлик кўриш ҳақида»ги қарорини бажариш бўйича кўплаб юмушлар амалга оширилмоқда.

Нукус Олимпия захиралари коллежи 2004 йили фойдаланишга топширилган бўлса, шу қисқа муддат ичида спортнинг Олимпия ва Миллий турларидан Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикаси биринчиликлари голиблари, чемпионатлар голиблари, халқаро турнирлар голиблари, Осиё жаҳон чемпионатлари совриндорлари етишиб чиқди.

Коллежимизнинг 2-босқич ўқувчиси Нилуфар Гадаева спортнинг эркин кураш тури бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпиони, 2008 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган эркин кураш бўйича Осиё чемпионатининг III ўрин совриндори, 2010 йили Красноярский шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада эса совринли ўрин эгаси ҳисобланади. Нилуфар Гадаева 2010 йил 14-26-август кунлари оралиғида Сингапур шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасида Олимпия ўйинларига қатнашиб, 52 кг. вазнда III ўринни эгаллади. У ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси таркибига киритилди.

Спортнинг академик эшак эшиш тури бўйича коллежимиз ўқувчиси Абубакир Узақбаев 2009 йили 7-10 июн кунларида Россиянинг Москва шаҳрида бўлиб ўтган биринчиликда 1993-94 йили туғилган болалар орасида I ўринни эгаллади, 2009 йил 1-4 октябр кунлари Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида ёшлар орасида бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида I ўринни эгаллади. Шунингдек, у шу йилнинг 5-8-апрел кунлари Тошкент вилоятида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Абубакир Узақбаев ҳозирги вақтда 2012 йили Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиядага лицензия олиш учун Тошкент вилоятидаги Тошкент денгизда спорт йигинида қатнашмоқда.

Спортнинг дзю-до тури бўйича коллежимиз ўқувчиси Санайим Еркинбаева 2010 йили 6-9-апрел кунлари Қарши шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси чемпионатида I ўринни эгаллади. Август ойида Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган Республика Олимпия захиралари коллежлари орасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида I ўринни эгаллади. 2010 йил сентябр ойида Тошкент шаҳрида қизлар орасида бўлиб ўтган жаҳон кубогида қатнашди.

Коллежимизнинг оғир атлетика бўлими мураббий-ўқитувчиси Мансур Чашимов 2010 йили 12-27 ноябрь кунлари Хитой давлатининг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларида қатнашиб, кумуш медални қўлга киритди.

Еркинбой ҚУТИБАЕВ,
Нукус Олимпия захиралари коллежи директори

ФАЙЗИЁБ УМР ЙЎЛИ



Муסיқа санъати инсон маънавиятининг калитидир. Муסיқа орқали дунёни англаш, тушуниш доимо ўзининг ижобатини топиб келган. Зеро, муסיқа ижодиётнинг илҳомлантирувчи кучи ҳамдир. Шу боис бўлса керак, ўтмишда яшаб ижод этган олиму фузалолар, шоиру адиблар, файласуфу иқтисодчилар муסיқа билан ошно бўлишга ҳаракат қилганлар. Унинг сир-асрорларидан чуқурроқ бохабар бўлиш учун интилганлар.

Ўзбек муסיқа санъати мероси ўтмиш бастакорлар ва созанда-хонандаларнинг ижодий маҳсулидир. Амалиётда уларнинг ўзига хос ижрочилик анъаналари ва маҳаллий услублари ривож топган. XX асрда ана шундай ижодиётни бир қатор устоз санъаткорлар давом эттириб, ўз ижодий намуналари билан халқимиз дилидан ва муסיқа маданиятимиз таркибидан муносиб жой олишга эришганлар. Мазкур давр ўзбек муסיқа санъати ҳақида гап кетганда, даставвал, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Уста Рўзиматхон Исабоев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Жабборов, Фанижон Тошматов, Имомжон Икромов, Саиджон Калонов, Набижон Ҳасанов, Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Муҳаммаджон Мирзаев, Фаттоҳхон Мамадалиев каби устоз санъаткорлар сий-

молари кўз ўнгимизда гавдаланади. Ўзбекистон халқ артисти, камончи созанда, ҳофиз, моҳир бастакор Фуломжон Ҳожиқулов ҳам ана шундай санъаткорлардан десак, муболага бўлмас.

Андижон гижжак ижрочилик санъатининг ёрқин намояндаси, анаънавий ижрочилик мактабининг устоз санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Фуломжон Ҳожиқулов ўзбек миллий муסיқа ижрочилиги санъатига самарали ҳисса қўшиб келаётган моҳир созанда ва ҳофиз, замонамизнинг ҳассос бастакорларидан биридир.

Фуломжон Ҳожиқулов 1928 йил Андижон вилоятининг Хўжабод тумани, Булоқбоши қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Онасининг доимо кўшиқ хиргойи қилишлари ёш Фуломжонда болалик чоғидан санъатга бўлган муҳаббати, шу соҳага

иштиёқи туғилишида замин бўлган.

Ёш Фуломжон Булоқбоши қишлоғидаги ўрта мактабда ташкил этилган муסיқа тўғарагига қатнашиб, муסיқа чолгулари ижрочилигини ўргана бошлайди. Фуломжоннинг тоғаларидан бири Эргаш Абдураҳмонов кенг фикрли, зиёли ва зукко инсон бўлиб андижонлик созандалар орасида гижжак чалиш бўйича ўзига хос ижро услубига эга ҳисобланган. Э.Абдураҳмонов жияни Фуломжоннинг бу қизиқишларини кўриб доимо “Бу боладан яхши санъаткор чиқади”, дер эди.

1933 йили Фуломжоннинг отаси вафот этиб, унинг тарбиясини тоғаси ўз зиммасига олди ва муסיқа ижрочилиги санъатидан устозлик қилди. Дастлаб унга доира чалишни, кейинчалик эса “Сенда ҳиссиёт кучли, яхшиси, гижжак чалишни ўрган” деб

гижжак чалиш сирларини ўрта бошлади. Шу орада Булоқбошидаги гавжум чойхонага чой ташувчи қилиб, “иш”га ҳам жойлаб қўйди. Омадни қарангки, чойхоначи ҳам мусиқага ҳавасманд киши экан. Фуломжонга машқ қилиш учун болохона бўшатиб берди. Бу имкониятдан етарлича фойдаланган Фуломжон халқ созандалари даврасида, тоғаси раҳнамолигида гижжак чалиш сирларини, овозни тўғри ва тоза талқин этишни ўрганди. Лекин улар ўртасидаги устоз-шоғирдлик 1941 йили тоғасининг урушга кетиши билан якун топди. Энди Фуломжон ўзи мустақил соз чалиш ва қўшиқ айтишни машқ қила бошлади. Фуломжоннинг мусиқага шайдолиги, чолғуга ва қўшиқ куйлашга бўлган муҳаббатини пайқаган Булоқбошидаги уста деҳқон ва хўжалик раиси Жўраполвон катта бир йиғинда у ҳақда улуг устозларга сўзлаб беради. Улар Фуломжонни Янгийўлга таклиф қилишади. У 1942 йили Янгийўл шаҳрида ташкил этилган Ўзбектеатр жамоасига, яъни ўз замонасининг энг йирик таниқли санъаткорлари даврасига келиб қўшилади. Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Фанижон Тошматов, Мухторжон Муртазов каби устоз санъаткорлар билан бирга ишлаб, уларнинг тарбиясини олишга муваффақ бўлади. Ёш Фуломжон ижодининг бошлангич палласи устозлар чолғу ижрочилиги таъсири билан уйғунлашди. У ўз истеъдодини янада ривожлантириб, 1945 йили қишлоғига қайтди. Аввалига янги ташкил этилган театр жамоасида, сўнг Андижоннинг Навоий номли боғида ташкил этилган ансамблда мусиқа раҳбари бўлиб ишлайди. 1949 йили Аббос Бакиров, Ваҳоб Азимовларнинг

таклифларига биноан Андижондаги Йўлдош Охунбобоев номидаги вилоят мусиқали драма театрида созанда сифатида ишга қабул қилинди.

Кейинчалик ансамбл раҳбари сифатида фаолият олиб борди. Фуломжон Ҳожиқулов 55 йил шу жамоанинг бадиий раҳбари бўлиб ишлади. Созанданинг Андижон театридаги иш фаолияти унинг, аввало, моҳир ижрочи бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этган. У театрда сахналаштирилаётган ҳар бир спектаклга мос мусиқа ва қўшиқлар ёзиб берди.

У устози Комилжон Жабборовдан гижжак ижрочилигининг энг нозик жиҳатларини ўзлаштириб, шаклланганди. Унинг ижросидаги “Азим дарё”, “Кезарман”, “Дугоҳ”, “Чапандози баёт”, “Таманно”, “Насруллои”, “Мискин” каби мусиқий асарлар ўзига хос гўзал талқинини топган.

Хонандалик соҳасига оид билимларини кўпроқ Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлардан чуқур ўзлашганди. Натижада унинг хонандаликдаги ўзига хос маҳорати ва услуби шаклланди. Ф.Ҳожиқулов ижро этган бир қатор қўшиқлар халқимиз қалбидан чуқур жой олди.

Бастакорлик соҳасида ҳам баракали ижод қилиб, турли жанрларда бир қатор асарлар яратди. Шоғирдлар тайёрлашда Фуломжон Ҳожиқулов ниҳоятда бағрикенг устоз эдилар. Унинг шоғирдлари республикада таниқли созанда ва хонандалар бўлиб етишдилар. Ўзбекистон халқ артистлари Маърифат Убайдуллаева, Ҳабиба Охунова, Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Абдуҳошим Исмоилов, Нуриддин Ҳамроқулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қаҳрамон Комилов, Аҳмаджон Дадаев, Шарофат Тожибоева, Мавлуда Бойматова, таниқли

созандалар Зиёвуддин Қосимов, Турсунбой Жўраев, Муроджон Норқўзиев, Ўзбекистон Давлат консерваторияси доцентлари Салоҳиддин Азизбоев, Ўткир Қодиров, Набижон Қодиров, Маъруфжон Халиловлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда устоз Бобур номидаги Андижон Давлат университетиде профессор лавозимида ва Республикада таниқли “Мерос” ансамблининг бош маслаҳатчиси сифатида ижодий фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Устоз Фуломжон ака Кимёхон ая билан бирга олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар. Улардан 4 таси ота касбини давом эттириб, санъатнинг турли йўналишларида хизмат қилиб келмоқдалар. Устоз санъаткор Ф.Ҳожиқуловнинг меҳнатлари, ўзбек мусиқа санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ артисти унвонлари, “Эл-юрт ҳурмати” ордени, “Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги” медали билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, устоз ўзбек анъанавий мусиқа санъатининг даргаларидан бири сифатида эъзоздалар. Зеро, Фуломжон Ҳожиқулов каби ўтмиш анъаналарини ўз амалиётида қўллаб келаётган кекса устоз санъаткорлар бугунги кунда бармоқ билан санарлидир. Бундай улкан устозларнинг санъатидан, билимидан баҳраманд бўлиш, ўрганиш келажак санъаткорлари учун малага пойдевори вазифасини ўтайди.

Набижон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси доценти в.б.

Оатин давр мушоираси

Ҳасан
АБДУҒАНИЕВ



Сайёра
АЛЛАЕВА



* * *

Забон энди суйдилардан сўйламайди,
Айрилиқ тор чертиб ишқни куйламайди,
Юрак ютиб, ўзга ёрга бўйламайди,
Муҳаббат, ранг рўйлариңдан айланай мен,
Наводод ишқ куйлариңдан айланай мен.

Бир кун келиб, жононалар бўй бўларкан,
Хаёлида сирли унсур ўй бўларкан,
Ошиқларин йиелатиб ёр тўй бўларкан,
Сулув қиз, кел, бўйлариңдан айланай мен,
Ёлгончи ёр, тўйлариңдан айланай мен.

Қалбимниңг ишқ қуриб берган боғлари бор,
Кўнгил тусар кўнгилиниңг не чоғлари бор,
Юрагимниңг юзида юз доғлари бор,
Кўнгил, сениңг чоғлариңдан айланай мен,
Юрак, сениңг доғлариңдан айланай мен.

Онам айтган аллалар ҳам ўтиб кетди,
Севги, ширин паллалар ҳам ўтиб кетди,
Барчасини бир балоғат ютиб кетди,
Она, сениңг хур аллангдан айланай мен,
Ёшлик, сениңг зўр паллангдан айланай мен.

* * *

Сиз билмайсиз хафалигимни,
Оғритдилар бу дам дилимни,
Кечиринг, Сиз бебошлигимни,
Тингланг дардим барини, она.

Ҳақиқатни айтиб юзимга,
Шама қилди ожизлигимга,
Улар бир кун тан берар менга,
Мен шоира бўларман, она.

Орзуларим осмондан тиниқ,
Бу он қалбим ойнаси синиқ,
Дам келади кутганим интиқ,
Мен шоира бўларман, она.

Куйлай, олам ларзага келсин,
Шеърларим ҳам дунёни кўрсин.
Шунда дунё орзуга тўлсин,
Мен шоира бўларман, она.

Баҳор — ўз-ўзидан янги оҳанглар фасли. Кўкламда ижод аҳли борки, ўз соҳасида янги-янги ва самарали асарлар яратади. Бугунги мушоирамиз меҳмонлари Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари. Уларнинг янги машқлари журналхонларимиз кўнглига баҳорий кайфият улашади, деб умид қиламиз.

**Баҳриддин
МУҲАММАД**



ҚИЗҒОНИШ

Кипригинг-ла ўйнашади қор,
Сочларингга қўнар ийманиб.
Улар бахтли... ёнингда ночор —
Мен ҳасаддан кетяпман ёниб.

Ана, қурғур яна битгаси,
Лабларингга ёпишди чандон.
Сен-чи, гўё қор-ла тиллашиб,
Гапларимдан отасан хандон.

Уҳ, аламга чидолмам ортиқ,
Кириб кетди ёқангдан бири...
Ҳали тунда фалакка қайтиб,
Юлдузларга айтади сириг.

Асов отдай дупурлар юрак,
Қордан қасос олмоқни пойлар.
Ўчакишар басма-бас фалак,
Кокилингга кумуш зар бойлар.

Хуркак оху — титрайди танинг,
Дудофингдан чиқар ширин сас...
Уятга ҳам чегара тайин,
Энди қорга айланаман, бас!

**Гулноза
КАРИМОВА**



ВАТАН

Беминнат нур — қуёшимсан,
Кўп миллатим, бир ошимсан,
Мени сендек ким тушунар,
Нуроний ёш, тенгдошимсан.

Гурур-шаънга қофиямсан,
Камтариним, олиямсан,
Тангрим, ота-онамдан сўнг
Ҳаёт берган робиямсан.

Томирларда чокмисан сен,
Бобом ётган хокмисан сен,
Бухорийни йўргаклабсан,
Шунчалик ҳам покмисан сен?!

Қучофингдай кенг меҳрингни
Юрагимга йиғай, Ватан.
Дунёларга бўйласам ҳам,
Ўзгинангга сиғай, Ватан.

СЕВГИ СЕҲРИ

Ё раббим, қанчалар меҳри буюксан,
Самодан не сирни менга юбординг?
Дунёвий кунларга обдон кўникқан,
Қалбимни қандайин нур билан қординг?

Дунё қора эмас, дунё тор эмас,
Мўъжизалар ердан қолмаган кетиб.
Яшаб юрганимиз ҳам бекор эмас,
Фақат бориш керак юракка етиб.

Кўзимга дунёда энг бой, энг бахтли,
Ақли телбадек кўринаяпман.
Ўзимни унутиб қўйдим шекилли,
Фаришта бўлишга уринаяпман...

ИМКОНИЯТ

Мамлакатга халқаро муносабатларнинг жалб қилиниши, асосан, экспорт фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бунда давлат экспорт салоҳиятининг асосий манбаини валюта тушумлари ташкил этади. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишида, экспортга йўналтирилган сиёсат негизда халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсиши ётибди.

Жаҳон бозорида рақобатбардошлик хусусиятига эга ресурслар таркибида, Ўзбекистон мева ва сабзавот маҳсулотлари таъми ва шифобахшлиги бўйича тенги йўқ бўлиб, булар қаторига олма, шафтоли, нок, гилос, анжир, олхўри, беҳи, узум, шунингдек, субтропик хурмоларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон ширалилиги билан ажралиб турувчи турли хил қовун ва тарвузларга бойдир. Етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари анча юқорилиги билан ажралиб туради. Масалан, Ўзбекистон узумларининг турли тоифалари таркибидаги шакарнинг миқдори 18 дан то 30 фоизгача, помидорда элемент миқдори 5,5 фоиздан ошиқроқдир.

Республикада, асосан, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари интенсив тараққий этмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари республика аҳолисининг бу маҳсулотларга бўлган талабини тўлиқ қондиради. Шунинг учун уларнинг маълум қисми мамлакатдан ташқарига чиқарилган бўлса, маълум қисми қайта ишланган, консерваланган, қуритилган ҳолда ташқи бозорларга чиқарилган.

2009 йилда 471,8 минг тонна мева-сабзавот экспорти амалга оширилди, яъни 2008 йилга нис-

батан 37% ортиқ. Уларнинг 75,7% ҳўл, 10,6% қуритилган ва 13,7% қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига тўғри келади.

2010 йили республикада 6346,4 минг тонна сабзавот, 1692,9 минг тонна картошка, 1182,4 минг тонна полиз, 1542 минг тонна мева, 899 минг тонна узум маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Худудлар бўйича экспортнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳрига, энг кам улуши Хоразм вилоятига тўғри келмоқда. Биринчи навбатда бу тақсимотни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

- вилоятлар кесимида ихтисослашувнинг инobatга олиниши;
- ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси;
- экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг стандартга жавоб бериш даражаси ва ҳоказо.

Бундан ташқари айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишда қўйидаги муаммолар мавжуд:

- хом ашё сотиб олишга айланма маблағ етишмаслиги — корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳолини ўрганиб чиқиб, молиявий соғломлаштириш, қарзларини реструктуризация қилиш бўйича мувофиқлаштириш ишларини олиб бориш орқали экспорт истиқболини бажаришга амалий ёрдам кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хом ашёнинг етишмаслиги (помидор, ўрик ва б.) - ишлаб чиқариш қувватларини оқилона жойлаштириш ва хом ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;
- инфратузилмага оид муаммолар, жумладан, корхоналар-

нинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари таъминотида узилишлар мавжудлиги — экспортёр корхоналарни узлуксиз равишда электр энергияси, табиий газ, сув ва ёқилғи-мой маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;

- технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги — технологик асбоб-ускуналарни замон талабларига келтириш мақсадида хўжалик субъектлари вакилларининг халқаро кўрғазма-савдоларда иштирок этишини таъминлаш, тежамкор технологияларни танлаш ва уларнинг молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

- корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг етарли даражада эмаслиги - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишланган ўқув машғулотлари, семинар ва кўрғазмаларни ташкил этишни йўлга қўйиш лозим.

Келтирилган муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича тадбирлар республика экспорт салоҳиятини янада оширишга имкон яратади.

Ирода РУСТАМОВА,
ТошДАУ доценти,
Ойдин ҚАҲҲОРОВА,
ТошДАУ талабаси

Биринчи Мадабиркор



Бу инсонни кинолар, катта-кичик кўрсатувлар орқали яхши билар, бир-бирига ўхшамайди-ган — “Еттинчи жин”, “Ёр-ёр”, “Ажойиб хаёлпараст”, “Учрашув” сингари бир қатор фильмларнинг калит образи сифатида билардим. Бахтиёр Иштиёров билан суҳбат жараёнида унинг адабиёт, тарих сингари илмларнинг билимдони ва энг муҳими, улкан ватанпарвар инсон эканини билиб олдим. Асли актёр ҳам, режиссёр ҳам чуқур билимга эга шахс бўлиши керак. Бироқ ўзи учун ўқиб, ўрганишдан эринмайдиган инсон камдан кам. Мен Бахтиёр Иштиёровни қайси образда бўлмасин, (ҳатто эпизодларда ҳам!) ичкин бир дард ва юксак дид эгаси қиёфасида кўрардим. Маишур “Шум бола” фильмидаги девона образидаям нимадир бор. Ўша “нимадир” кинони очган. Девона кун бўйи кўча кезиб келади-да, кечқурун эски масжидга кириб, қўлини кишанга солиб ухлайди. Салкам кўча дайдисига айланаётган боланинг уйга қайтишига сабаб бўлмайди, бу образ! Бу инсоннинг яна бир томони — камтарликлари бўлди. Саволларимга жавоб бериш асносида ўзи ҳақида гапира туриб, “Буни ёзиб ўтирманг, Сиз учун айтдим-да”, деб қўядилар. Мен сўзимда турдимми, йўқми суҳбатни шундай илгингиз келди. Суҳбатдошимнинг қулфи дилини очиш учун суҳбатни болалик хотираларидан бошладим...

— Лайлакларни кўраёпсизми? — дейди Бахтиёр ака жавондаги бир жуфт лайлак ҳайкалчасига ишора қилиб, — Болалигимда Бухоро минораларининг устидаги лайлакларга узоқ-узоқ термулардим. Шуларни эслатиб туради булар. Яна болалигимни эсласам, укам иккаламиз шаҳардан четдаги қўлга чиқиб, қўл билан 10-15 килограмм балиқ тугтанларимиз кўз олдимга келади. Кўчамиз “Кўйи дарахт” деб номланарди. Шундоқ тутлар бўларди. Катталар бу дарахтларнинг ёши 200 да деб айтишарди. Тутлар ранг олган пайти пиллачилар дарахтларни каллаклаб кетишарди... Табиатга ошно эдим. Қушларга қизиқиш отамдан “юққан”. Асли отам — Ўзбекистон халқ артисти Аҳмадjon Иштиёров Бухоро театрида дирижёр эдилар. Шу билан бирга ажойиб бастакор, мусиқа мактаби директори эдилар. Ҳозир бу мактабга дадамнинг номлари берилган. Бизни маҳалла болалари “Артист болалари” дейишарди. Мактабда ўртача ўқитганман.

— Қайси фанларни яхши кўрадингиз?

— Адабиётни яхши кўрардим. Адабиёт ўқитувчиларимиз ёддан шунақа шеърлар ўқишарди. Шеърни ҳам тушуниб, ҳам ҳис қилиб “михланиб” қолардик дарсларда. Ўзим ҳам жуда кўп шеър ёд билардим. Хотирани шаклантиришнинг аҳамияти катта. Тарих ва географияни жуда яхши кўрардим.

Мактабдан театрга чопардим. Спектаклларни ёд билардим. Болаларча ҳайрат билан ўз-ўзимча таҳлил қилиб ўтирардим. Тошкентдан актёрлар боришарди. Маҳмудjon Фафуровга суфлёрлик қилардим. Театрдан кейин суҳбатлар бўларди. Бу суҳбатлар тушга ўхшарди. Оҳ, у одамларнинг бир-бирига муносабатларини кўринг! Хотирамда ҳамон ўшандоқ сақланиб қолган.

— Ҳам мактабда ўқиб, ҳам театрда ишлагансиз...

— Дадам менга энг қора ишларни буюрардилар. Саҳнани ювиб ҳам чиқардим. “Дада, мен барибир актёр бўламан-ку”, десам, “Дарахт яхши мева бериши учун илдизни тарбиялаш керак. Қора

ишдан қочдингизми, нафақат актёр, яхши одам ҳам бўлмайсиз”, дердилар. Отам театрдагиларга “Бахтиёрга менинг ўғлим сифатида эмас, театр ходими сифатида қаранглар”, дердилар. Тер тўкиб меҳнат қилиш ҳам отамдан ўтган. Тўрт соатдан ортиқ ухламайман. Ролга истеъдодингиздан ташқари юрак қўрини ҳам бағишлаш керак. Ҳақиқий актёрни саҳна очади, спектаклда билинади актёр маҳорати. Тўғри, кино ҳам сермашаққат иш. Артист кўпқиррали бўлиши керак, бироқ спектакл бу маҳорат майдони. Маҳорат эса тинимсиз меҳнат эвазига вужудга келади.

— **Талабалингиз, пойтахтга келишингиз ҳақида ҳам айтиб ўтинг.**

— 1958 йилда Театр институтига ўқишга кирганман. Олти босқичли имтиҳонлардан ўтганман. Исмга ҳам кўп нарса боғлиқ экан, бахтим шуки, мен ўқишга келган йили мусиқали драма факультети очилган экан. Имтиҳонда биринчи босқичда “Шашмақом”дан парча айтиб бердим. Лермонтовнинг “Шоирнинг ўлими” шеърини ёддан айтдим. Учинчи босқичда рақс тушдим. Хуллас, имтиҳонлардан ўтдим. Имтиҳондан кейин Пушкин кинотеатри бўларди, шу ерда “Хўжа Насриддин”ни кўрдим. Эртаси куни дарсга борсам, Хўжа Насриддин (Раззоқ Ҳамроев) ўтирибди. Ана салобат, ана истара! Талабаликдаги лақабим “Безовта” эди. Югуриб юрардим. Дарсларни яхши кўрардим. О, у лекциялар... тугамаса дердим. Бир домламит бўларди: “Ўғлим, Сизга Худо истеъдод берган, Худодан дарс олиб, шайтонга хизмат қилманг. Санъатнинг салмоғини билинг, истеъдоддан ташқари дид керак. Актёрда юксак дид бўлмаса, ролингиз куруқ образ бўлиб қолади”, дердилар.

— **Театрга келишингиз қандай бўлган?**

— Бир йилдан сўнг группамиз билан Муқимий театрига ишга келдик. Раззоқ Ҳамроев, Маҳмуджон Фафуров, Турсуной Жаъфарова, Соҳиб Хўжаевларнинг ҳар бири бир тирик мактаб эди.

Уларнинг ўзаро муносабатлари, бир-бирига муомалалари... Бизга амалиётга келган талаба сифатида эмас, инсон сифатида, артист сифатида қарардилар. Ҳеч қачон “сен” деган сўз эшитмаганмиз. Олти талаба ишга келган бўлсак, устозлар мадади туфайли ҳаммамиз Халқ артисти бўлдик.

— **Уларни номма-ном айтиб беринг.**

— Бажонидил! Наима Пўлатова, Файзулла Аҳмедов, Гулсара Ёқубова, Марям Ихтиёрова, Хусан Шарипов ва камина. Ёддан биладиган шеърларимиз уч соатлик бўларди. Театр мен учун ҳайратлар олами эди. Буюк актёрлар, ажойиб инсонлар орасига тушиб қолгандим. Театр муҳокамалари шундай зўр бўларди. Бошқа бир театр муҳитидан, бошқа оиладан бошқа бир муҳитга келиб тушган эдим. Бу иккисининг муштарак жиҳатлари ҳам, фарқли томонлари ҳам бор эди.

— **Биринчи спектакл ҳақида ҳам айтиб беринг.**

— Биринчи спектаклимиз.. “Аршин мол-олан”ни кўйганмиз. Мен Султонбекни ўйнаганман. 19 ёшимда 60 ёшли киши образини саҳнага олиб чиққанман.

— **Кинодаги фаолиятингиз ҳақида ҳам гапиринг.**

— Киноларда, телефильмларда кўп ўйнадим. Образлардаги дардни кўриб, шу юкни диққат марказга олиб чиқиш керак кинода. “Еттинчи жин” ҳам, “Ажойиб хаёлпараст” ҳам бошқа-бошқа одамлар бўлса ҳам дарди бор образлар.

— **Дарвоқе, ўзи “Ажойиб хаёлпараст” ҳақида кўпроқ гаплашмоқчи эдим. Бу образда Сизнинг қаҳрамонингиз ўзбекнинг биринчи тадбиркори эди. Агар ҳозиргидай тадбиркорлик қўллаб-қувватланган замон бўлгандами, қаҳрамонингизнинг ҳаёти фақат хаёллардан иборат бўлиб қолмасмиди...**

— Бу кино олинганига 30 йилдан ошди. Бахтиёрнинг фожеаси — ўзини бахтсиз ҳисоблайди. Эртанги кунга ишончи йўқ одамга ўхшайди у. Умид



билан иш қилмайди, алам билан қилади. Мушукни боғлаб қўйганини қаранг! Балки ўша тузум шундай бўлгандир. Тадбиркорлик ҳақидаги саволингизга келсак, ҳалол тадбиркорлик бизнинг кунимизда ўз мевасини беради. Бугун нима иш билан шуғулланишни истасангиз, мингта имконият бор.

— **Яна кинога қайтсак, суратга олиш жараёни қандай бўлган?**

— Биласизми, мушукни кино учун Москвадан олиб келишган. Уни қувиб тутишим керак, чаққонлик қилиб “лип” этиб тутиб олардим. Ўзи кинодаги Бахтиёрга ўхшаш томоним шундаки, синфдошларим: “Пойтахтда нима қиласан, мусофирчиликда қийналасан, Бухорода ўқисанг-чи”, дейишган. Мен: “Қараб туринглар, икки-уч йилдан кейин мени гуллар билан кутиб оласизлар”, деб ҳазил қилгандим. Ростдан ҳам икки йилдан сўнг Бухорога гастролга бориб, кучоқ-кучоқ гулдасталар олганмиз. Одам қийинчиликдан қўрқмаслиги керак. Тўғри, талабаликда қийналган пайтларим бўлди. Чиданман. Келажакка ишониб керак. Маошимни ҳисоблаб, 50 йил пул йиғсам, машина оларканман, деб ўйлаганман. Лекин уч-тўрт йилда “Запорожец” олганман! Меҳнат ва ишонч муваффақиятга бошлайди. Омад ҳам керак.

— **Режиссёр сифатида ҳам самарали ижод қилгансиз. Шу хусусда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— 1963 — йилда ўқишни тугатиб, 65 — йилда режиссура факультетига қайта ўқишга кирдим. Тошхўжа Хўжаевнинг синфида ўқиганман. Баҳодир Йўлдошевлар билан курсдош эдик. Бир нарсани фахр билан тилга оламан. Менинг режиссёрлигимда ишлаганлар унвонлар олган, оиласи гўзал актёрлар бўлишди. Энг яхши ишим — “Лайли ва Мажнун” спектакли. Мажнун шундай одамки, бахтсизликка қўниқан! У келади, Лайли бор. Бахтга ишонмай қўйган. Ишонмайди, кетади. Қайтиб келади. Лайли ўлган. Энди ишонади. Чунки у —



тақдирга тан бериб бўлган! Асарни шундай тугатдикки, улар чин висолга эришадилар, яъни Лайли, Мажнун учиб кетади. Парда ёпилади. Қарсақлар билан парда қайта очилганда улар пастга туширилади. Бу — ҳаёт давом этади дегани!

— **Шогирдларингиз ҳақида ҳам гапириб бering.**

— Шогирдларим кўп. Уларни номи билан сана-сам, бири бўлсаям қолиб кетишини истамайман. Уларнинг бари оилада ҳам, жамиятда ҳам, театрларимизда ҳам етук фаолият олиб бормоқда. Укамдек бўлиб қолган бир йигит бор. Абдураим Абдуваҳобов ҳақида гапиргим келиб қолди. “Шум бола”ни нега такрор-такрор кўрамиз. Болалигидан тайёр актёр эди бу бола. Тийрак кўзлари, аниқ ҳаракатлари билан кинодаям, спектакллардаям самарали ижод қилаяпти у. Унинг ҳар бир ролида юрак кўрини, меҳрини ҳис этиб тураман.

— **Бугунги кун киноси, театри, драматургиясига муносабатингизни айтиб ўтсангиз.**

— Мустақиллик санъатга ижод қилиш имконини берди. Қилган ишларимиз аввалгидек Москвадан муҳокамадан ўтиб келмайди. Ижод масаласида театрларимиз олдинда. Кучли асарлар қўйилаяпти. Тарихий асарларнинг ҳам томошабини кўп. Шу жумладан, кассабоп асарлар ҳам йўқ эмас. Кино ҳам шундай. Бир марталик кинолар бор. Салмоқли киноасарлар бор. Ҳар бири ўз томошабинига эга. Мустақиллик ўзи ҳур фикр ҳам дегани. Аввалги “стандарт” фикр замони ўтди. Ҳар ким дидга ярашасини танлаб кўраверади. Барибир залворли асарларга интилиш кучли.

— **Қайси жиҳатлардан кўнглингиз тўлмайди?**

— Бир асарлар кўриб қоламан, отанинг ўлигини кўмишга ака-укалар сансалорлик қилишади. Онани келинлар бир-бириникига ҳайдашади. Ҳеч қаерда йўқ урф-одатларни телевизорда кўриб қоламан. Ёлгон ўйнамаслик керак. Обидийдалар, бачканалик томошабинни зериктиради. Актёрнинг маҳорати йиғламай йиғлатишда, кулмай кулдиришда.

— **Тилакларингиз...**

— Дунёдаги бўлаётган ишларга қараб, тинч кунларимизга шукур қиламан. Тиббиётнинг, арифметиканинг, илми нужумнинг, диний, қомусий илмларнинг алломаларини етиштирган қутлуг заминда яшаймиз. “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” дейди Юртбошимиз. Шунинг учун ёшларга эътибор катта. Йигирма йил тарих олдида қандай гап. Лекин ёшларимиз ўз салоҳияти билан дунё назарига тушмоқда-ку. Спорт ҳам, санъат ҳам, фан ҳам ривожланиб кетди. Байрамларимиз қандай чиройли ўтмоқда. Кўнгли хотиржам одамгагина байрам татийди. Халқимиз, она юртимизга кўз тегмасин!

Сухбатдош: Манзура ШАМСИЕВА



Ўзбекистон спорти



Комму АСотмоев таѳѳрағи

Чирчиқ шаҳар
Олимпия
захиралари
спорт
коллежи
дзю-дочилари
машфулотларидан
лабхсалар



Ўмирлар ўртасида дзю-до бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпионати мусобақасида 42 кг вазн тоифаси ғолиби Сухроб Турсунов.



САҲНА МУЪЖИЗАСИ



Ясан-тусан, гавдани, юзни, қош-кўзларни парваришлашни аждодларимиз пардоз деб аташган. Тўй-томоша, байрамларга, меҳмондорчиликларга мос либосларни танлаб кийиш, пой-абзал танлаш, қош-кўзларга, қўлларга, бармоқларга эстетик жиҳатдан кўркама табиий ва сунъий бўёқлар бериш, турли тақинчоқлар тақиш пардоз дейилади.

Ўтмишда хон саройларида маликалар ва бегойимларга машшоталар хизмат қилишган. Келинларга пардоз беришга нафақат юқори табақалар орасида, балки оддий халқ орасида ҳам жуда эътибор билан қаралган.

Хўш, театр санъатида пардознинг вазифалари нималардан иборат?

Дастлабки пайтлар пардоз билан моҳир актёрлар, режиссёрлар ва рассомлар шуғулланишган. Бора-бора бу иш гримёр ёки пардозчи номини олган мутахассислар елкасига юкланган.

Саҳна асари кўпчилигининг машаққатли меҳнати натижаси ўлароқ юзага келади. Асар муаллифи, режиссёр, актёрлардан ташқари унинг яратилишида либос ва декорация рассомлари, мусиқачилар, грим усталари ва яна бир қанча саҳна ходимлари қатнашадилар. Аммо спектаклда ҳал қилувчи омил актёрдир. У айнан ўзи яратадиган образ орқали асар ғоясини ва режиссёр мақсадини томошабин қалбига етказиши. Ўринли топилган пардоз эса нафақат актёрга ижодий

кўтаринкилик ҳада этади, балки образни очишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Грим актёрнинг ташқи кўринишини, асосан, унинг юз қиёфасини мослаштирувчи бўёқлар, пластик ва ясама соқол, парик, турмак ва ҳоказолар ёрдамида ижро этаётган роли талабларига мувофиқ ўзгартиришдир.

Актёрнинг грим билан ишлаши образ устида ишлаш билан чамбарчас боғлиқ. Грим характери пьеса ва ундаги образларнинг, актёрнинг нияти, режиссёрнинг дунёқараши ва саҳна безагига боғлиқдир.

Грим тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. У халқларнинг урф-одатлари, маросимлари билан узвий боғлиқ.

Гримнинг кучини тан олмасдан илож йўқ. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, “Биби Марям жомеси” фильми грим учун “Оскар” мукофоти билан тақдирланган. Бенжамин Фастин бутун мамлакатга машҳур бўлди. Тақдирлаш маросимида у икки актёрни бир-бирига шу қадар ўхшатиб қўйгандики, уларни ҳеч ким ажрата олмади.

Саҳна декорацияси воқеалар кечаётган муҳитни, либос шу муҳитдаги персонажнинг ташқи қиёфасини яратса, грим қаҳрамоннинг феъл-атворини, ички оламини очишга кўмак беради. Пардоз устида иш олиб бориш уч босқичдан ташкил топади. Биринчиси: керакли маълумот-

лар тўплаш, ўрганиш (пьеса, рол, тарихий шароит, турмуш тарзи ва ҳоказо). Иккинчиси: йирилган маълумотларни саралаш ва образни, унинг ташқи қиёфасини яратиш. Ниҳоят, учинчи босқич: ижрочини шу қиёфада гавдалантириш. Гримёр учун саҳнага қўйиладиган пьесанинг ўзи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Чунки кўпинча драматурглар пьесанинг ўзида ҳар бир персонажга хос қиёфа, феъл-атворни белгилайдилар.

Замонавий режиссёрлар саҳналаштираётган спектаклларидаги персонажларнинг ҳар бирининг юриш-туриши, тасвирланаётган воқеалар қайси даврга мансублигини, ўша давр одамларининг кийиниши, урф-одатларини, ёшини, айниқса, қандай соқол-мўйлов қўйгани, ажинлари, бурни, қулоқлари, кўз қарашлари, соқовми, дудуқми, чўлоқми, букрими, ҳамма-ҳаммасини билиши керак. Шунинг учун ўзбек театр ва киносининг буюк арбоблари Олим Хўжаев, Шуккур Бурҳонов, Аббос Бакиров, Раззоқ Ҳамроев, Лутфихоним Саримсоқова ва бошқалар ўзлари ўйнаётган образларда гримнинг ўрнини яхши билганлар.

Ўзбек халқ масҳарабоз ва қизиқчилари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Ака Бухор, Ақром Юсупов кабилар ўз ижодларида гримдан кўп фойдаланганлар. Театр санъати реформатори ва педагоги Станиславский эса гримни қаҳрамон психологиясини очишга ёрдам берувчи энг зарур восита деб билган.

Ойбекнинг “Қуллуг қон” асарини асосида ишланган инсценировкадаги Шокир ота образи Наби Раҳимов ижро этган эпизодик рол. Наби Раҳимов ижросида Шокир ота жуда эзилган, ҳаёт ташвишларидан қийналган, камбағал ва ночор бир чол қиёфасида кўз ўнгимизда намоён бўлади. У соқол-мўйлов қўйиб, эски, увода кийим ва кўзига кўзойнак тақиб олиб, оддий

ямоқчи қиёфасига кириб олади. Лекин бу спектаклни кўрганнингиздан кейин ойлар, йиллар ўтса ҳам, Шокир отанинг хушчақчақ образи ёдингиздан кетмайди.

Бу ҳам гримнинг роли қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. Станиславский рол устида ишлашда гримга алоҳида эътибор берган. Грим танлашда образнинг ички моҳиятидан келиб чиқиш зарурлигини кўрсатган. Грим актёрга қаҳрамон феъл-атворининг ҳали тушуниб етмаган томонларини англашга ёрдам бериши мумкин деб ҳисоблайди. Амалиётда грим санъатига режиссёр гоёсининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида қарала бошлади.

Актёрнинг грим устида ишлаши пьеса гоёсини яхшироқ очиб беришга кўмаклашувчи, адабий, тарихий, этнографик ва тасвирий манбаларни ўрганиш билан кечади. Ишни репетиция қилиш даврида режиссёр, рассом ва гримчи-рассом билан биргаликда актёр спектаклнинг умумий гоёсига мувофиқ гримни белгилайди ва ўзининг гримга оид гоёсини рўёбга чиқаради.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида “Саҳна пардозини” дарси ўқитилади. Дарс давомида талабалар танланган қаҳрамонлар образини яратиш устида тинмай изланишлар олиб борадилар. Талабалар грим жараёнини ўз кўзлари билан кўриб, унинг қонун-қоидаларини ўрганадилар. Тарихда жуда кўп актёрлар бўлганки, 50-60 ёшида ҳам ёш йигит-қизлар образини маромига етказиб ўйнаганлар. Сара Бернар 70 ёшида Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” асаридаги Жульетта ролни маҳорат билан ижро этиб, грим мўъжизасини яратиб берган. Ўзбек актрисалари Фароғат Раҳматова, Рихси Иброҳимова ва бошқа актёрлар 40-50 ёшларида ҳам ёш образларни ижро этиб томошабин олқишига сазовор бўлганлар.

Яна бир мисолни келтириб

ўтишни жоиз деб биламан. Ўлмас Умарбековнинг “Қиёмат қарз” асаридаги Сулаймон ота образи яратилишида ажойиб актёр Шуккур Бурҳоновнинг режиссёр Рустам Ҳамидов, муаллиф Ўлмас Умарбеков билан биргаликда ишлаш жараёни гувоҳи бўлганман. Театрда Шуккур ака ўзларига керак бўладиган ашёларни ўзлари танлардилар. Булар чопон, яктак, униққан дўппи, оёғида эски этик, хуржун, чўпон таёқлардир. Ўзи тайёрлаган соқол ва мўйловни айтмаса ҳам бўлади. Мен ушбу спектаклни саҳналаштириш жараёнини тўлиқ кузатганман. Ҳар битта сўзни аниқ ва равон айтишга жуда катта эътибор берар эдилар. Нуроний чолларга ўхшаб чўпон таёғини икки қўли орқасига қўйиб юришларини алоҳида диққат билан ижро этар эди. Бир куни дўстлари билан Паркент туманидаги Чанги қишлоғига бориб пода боқаятган чоллар билан суҳбатлашиб, тоғликлар ҳаётини, юриш-туришларини ўрганиб келганлар. Шундай қилиб, лафзи ҳалол, ўз сўзи устидан чиқадиган танти деҳқон образи яратилиб, тарихда қолди.

Топган хагги-ҳаракатларини томоша қилиб, у кишининг кийган кийимлари, юриш-туриши, жуда ажойиб гримлари туфайли актёр кўзларидан нур ёғилиб турганини кўриш мумкин эди. Бу актёр, режиссёр, гримчи рассом ва дизайнер рассомларнинг ҳамжиҳатликда олиб борилган меҳнати самарасидир.

Шундай қилиб грим образ яратишда муҳим рол ўйнайди. Маълум бир даврга хос бўлган, унинг характерини, ташқи дунёсини очиб берувчи либосни кийиб, гримни топиб олиш ва унда эркин ҳаракат қилиш актёрнинг ютуғидир. Бунинг учун режиссёр ва пардозловчи мусаввир бир қанча соҳалардан хабардор бўлмоғи, ўша давр муҳитига хос бўлган хусусиятларини ўрганмоғи лозим.

Маҳкам ИСМОИЛОВ,
Абдулла Қодирий номидаги
ТДМИ доценти

Болалар кўшиқчилигида Миллийлик ва замонавийлик

Айтиш мумкинки, ўтган асрнинг бошларида илк намуналари пайдо бўлган ўзбек эстрадаси истиқлол йилларида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусиқа санъати ютуқларини, жаҳон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, бу соҳа ривожига кўрсатилётган доимий эътибор, ёш истеъодларнинг ўзини намоён этиши учун яратилётган қулай шарт-шароитлар муҳим роль ўйнамоқда.

Ислон КАРИМОВ. «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён ўзбек мусиқасида катта ўзгаришлар вужудга келди. Бу ҳолатни, айниқса, эстрада мусиқасида яққол кузатиш мумкин. Ўзбек эстрадасига таъсир кўрсатган энг асосий омиллардан бири гоаядир. Зеро, миллий руҳ ва миллий гоая истиқлол даври мусиқа санъатини янги боқичга олиб чиқди. Бунинг натижаси ўлароқ, айнан ўзбек мусиқа санъатининг миллий қирраларини ўзида акс эттирган қатор эстрада кўшиқлари пайдо бўлди. Миллий қирралар эса кўшиқнинг маънасида, мусиқий материалнинг ижро усулларида намоён бўлди.

Ўзбек эстрада кўшиқчилигини ривожлантириш такмиллашиб, тараққий этмоқда. Айниқса, болалар мусиқа санъатини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Келажак овози”, “Янги авлод”, “Санъат байрами” каби танлов ва фестиваллар фикримизга яққол далил бўла олади.

Юртимизда эстрада кўшиқчилигининг ривожланиши болалар кўшиқчилиги соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Бунинг натижасида болалар кўшиқлари умуман бошқача қиёфа касб этди. Бугунги кунда тингловчилар орасида кенг танилган “Лайлақлар”, “Соғлом авлод”, “Тошкентим”, “Буви-жон” сингари кўшиқлар ўзининг шеърга нисбатан ёндашуви ҳамда сифати билан умуман катта эстрада санъатига яқин туради. Бу ҳолатни яхлит композицион тузилиш, аранжировка, ҳаттоки ижро услубларида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Куйида болалар кўшиқчилигига оид ижодий масалаларни кўриб чиқамиз.

Мелодика масаласи. Ўтган асрда “Пахтаой”, “Фунча”, “Нилуфар”, “Орзу” каби вокал-чолгу ансамбллари, “Булбулча”, “Бойчечак” сингари хор жамоалари фаолият кўрсатиб, болалар кўшиқчилигининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Ушбу жамоаларнинг кўшиқларини таҳлил қила туриб, улардаги композицион тузилмалар, мелодик йўлларнинг ниҳоят даражада

сода ва чиройли эканлигини кўраимиз. 80-йилларда эса композиторлар томонидан яратилган кўшиқларнинг мелодикасида нисбатан эркин мусиқий ҳаракат, ритмик мураккаб шакллар, гармоник ранг-баранглик вужудга кела бошлади. Албатта, бундай кўшиқлар болалар томонидан катта қизиқиш билан ижро этилди. Табиийки, бундай мусиқий такмиллашув жараёни вақт ўтган сайин ривожлана борди. Бундай ривожланиш кўшиқлардаги умумий қиёфанинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди.

Мелодиканинг таркибида турли хил сакрашлар, ритмик шакллар, ди-апазоннинг кенгайиши, мусиқий безак, нола ва қочиримларнинг ишлатилиши кўшиқнинг янада замонавий ва миллийлашишига хизмат қилади.

Аранжировка масаласи. XXI асрга келиб, болалар кўшиқларининг аранжировкаси катта эстрада кўшиқларининг аранжировкаси даражасида амалга оширилмоқда. Зеро, ҳозирги кундаги ёш авлод ўзининг куйлайдиган кўшигини катта эстрадага оид бўлган энг замонавий воситалар орқали янграшини истайди. Шунга кўра, ҳозирги кундаги барча аранжировкачилар болалар кўшиқларига катта эстрадининг ифода воситаларини киритмоқдалар. Шу билан бирга, миллий чолгулардан бўлмиш танбур, най, соз, доира, тор, карнай сингари жонли чолгуларнинг ишлатилиши аранжировкага миллийлик олиб кирди ва унинг янада мукамал бўлишини таъминлади.

Бек-вокал масаласи. Болалар кўшиқларидаги юқори мукамаллик даражаси бек-вокалнинг киритилишини талаб этади. Ўз ўрнида, бек-вокал яққол ижрочининг овозини янада яхлит ҳолда янграшига кўмак беради. Кўп ҳолларда болалар кўшиқларида хор ишлатилиши мумкин. Негаки, оммавий кўшиқларда образнинг тўлақонли вужудга келишида болалар хорининг янграш характери етакчи вази-фани бажаради.

Ижро маҳорати. Ҳозирги кунда болалар кўшиқ ижрочилиги ниҳоят даражада юқорига кўтарилган. Юртимизда мақом ашулалари, катта ашула сингари мураккаб мусиқий асарларни ҳам маромига етказиб ижро этадиган болалар талайгина. Бундай болаларнинг ижро маҳорати устида ишлайдиган мутахассис-устозлар ҳам кўп. Уларнинг методик ёндашуви ҳам ўзига хосдир. Бундай услубларда ўзбек халқининг миллий меросига оид бўлган турли хил тез айтишлардан тузилган овоз созлаш машқларидан фойдаланилади. Бу каби машқлар орқали болалар машғулота нисбатан катта қизиқиш билан қарайдилар, миллий мерос билан яқиндан танишадилар ва овоз кўникмаларини ҳосил қиладилар. Бунинг натижасида ёш ижрочи миллий мусиқага хос бўлган нола ва қочиримларни овоз орқали ифодалашни ўрганади. Шу билан бирга, бундай машқлар натижасида боланинг талаффузи янада яхшиланади.

Ушбу методика асосида ишлайдиган болалар ансамбллари “Томоша”, “Севинч”, “Ором”, “Булбулча”, “Тарона”, “Марварид”, “Тантана” сингари машҳур вокал гуруҳларини киритиш мумкин.

Бугунги кун болалар кўшиқчилиги ўзининг сифат даражаси жиҳатидан композитор, аранжировкачи ва ижрочилардан катта масъулият талаб қиладиган соҳага айланди. Шунга кўра, бутун жаҳонда, шунингдек, юртимизда ўтадиган болалар мусиқа санъатига бағишланган тадбирларнинг ҳам сифат даражаси юқори поғоналарга кўтарилди. Юртимизда ўтадиган “Наврўз” ва “Мустақиллик” сингари асосий халқ байрамларида ҳам болалар мусиқа санъати кенг намоиши этилади. Шундай экан, юртимизда болалар кўшиқчилиги ҳали янада ривожланиб, янгидан-янги чўққиларни забт этишига ишонамиз.

Хуршида ҲАСАНОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси

Azim SUYUN

(«Nevaralarim uchun hikoyalar» kitobidan)

ONA KAKLIK



Nevaralarim!

Hayot murakkab. Unda umr kechirish o'z-o'zidan bo'lmaydi. Ammo qiyinchilik, og'irchiliklardan, xatarlardan qo'rqavermaslik kerak. Inson aql, tafakkuri chirog'i har qanday zulmatni yoritishga qodir. Yo'lingizdagi ko'ringan-ko'rinmagan to'siqlarni, g'ovlarni surib tashlashda sobit!

Insonni qo'yaturaylik, tabiatdagi har bir jonzo ham tiriklik uchun kurashib yashaydi. Tirikchilik — tirriqchilik, degan aytimlar behuda yaralmagan.

Kaklik — sodda qush! Lekin u sodda bo'lib qolishga haqi yo'q!..

Irg'ayli darasining chog'atli qir-adirlarida mol boqib yurgan kezlarim bunga o'zim guvoh bo'lganman.

May oyi o'rtalarida ona kaklik tuxum bosib yotganligiga duch keldim. Uning uyasi bir tup shuvoq ostida edi. Bolalik ekan-da, uni tutmoqchi bo'ldim. Unga qarab yo'nalдим. Ona kaklik noxushlikni tez

payqadi. Birdan uyasidan otilib chiqdi va pastga — qiyalik bo'ylab dumalay ketdi. Ha, u aynan dumalay borardi. Orqasidan quva boshladim, yetay deganimda dumalashni tezlatdi. Quvaverdim. Yana yetay-yetay dedim. U yana tezladi. Quvib-quvib daraning ichiga tushib qoldim. Va shunda ona kaklik dumalashdan lahzada turdi-da, uch-to'rt qadamcha yugurgiladi-yu uchib ketdi.

Nevaralarim!

Ko'rdingizmi, sodda qush deganimiz, ona kaklik menday bir aqlli cho'pon bolani qanday chalg'itib, tuxumlarini, bo'lajak jo'ja-bolalarini asrab qoldi. U ayyormidi. Yo'q, degim keladi bugun, ona kaklik aqlli, oqila edi!

Men o'shanda, tag'in ortimga qaytib, uning tuxumlarini olib ketishim mumkin edi. Ammo, birinchidan, men uyadan ko'p uzoqlab ketgan edim. Ikkinchidan, tuxumlarni olib, nima ham qilardim. Mol boqib yursam, mol boqish esa oson emas. Qolaversa, birorta kurk tovuq tayyor emaski, tuxumlarni bostirsam, jo'ja ochtirsam! Uchinchidan, otamning o'giti yodimdaydi: "Qush uyasini buzma, tuxumlarini sindirma, polaponlariga ozor yetkazma, hatto ilon bolasini ham o'ldirma!"

Men podalar o'tlab yurgan sayhonlik sari ketdim.

УСТОЗ

(Абдусайд Кўчимов портретига чизгилар)

... Йўлдамиз. Хурсандман. Ака одатдагидек таклифга кўп ўйлаб ўтирмай, чўрт кесиб жавоб берди: “Кетаверамиз”.

— Бизнинг машинада кетамиз, — дея кўшиб кўйди кейин қатъий қилиб. Ёқилғи масаласида қийналиб турганимдан бу жуда маъқул келди. Энди, аканг қарағай рудда, ҳангомалашиб кетаверамизда — Зомин, қайдасан, деган кўшиқни айтиб...

— Уйга кириб формани янгилаб олсак — таклиф қилди устоз. — Посон кўйлақларни ечиб далабопини эгнимизга илмасак, бу иссиқда кийимлар ҳам ўзимиз билан бир бўлиб кетмасин.

Келиноий акани кузатар экан, улар ўртасидаги икки оғиз сўз ўйини ҳам кишига мамнунлик бахш этди.

— Хусанжон, акангиз ёш йигитлардай қизил футболка кийиб чиққанини қаранг, — деди янга ҳазиломуз.

— Устоз ҳали навқирон йигитда, ўзиям, — деб юбораман мен ҳам.

Бу гап акага маъқул келди чамаси, навбатни қўлдан бергиси келмади:

— Чечангиз бизни вообшем чолга чиқариб кўйган, шундай деб одамнинг кўнглини кўтариб кўйинг-а.

Хуллас, янганинг фотиҳасини олиб йўлга чиқдик.

Катта кўчага чиққач, шу яқиндаги дўкондан у-бу харид қилгандек бўлдик.

Йўл унча узоқ бўлмаса-да, юзга лопиллаб урилаётган гармсел, кейин менинг тушликкача “загар” олганим, аканинг бош оғриғи, мажлисдан чиққанини эътиборга олсак, ҳар ҳолда бу йўл жуда осон кўринмасди. Менинг хаёлимда битта нарса — сафар баҳона у кишининг кўнгли мулкига саёҳат қилиш, уни англаш ва қоғозга тушириш. Бу осонмас. Аслида устознинг биз шоғирдлар яхши биладиган ва ҳам-

ҲАРАКАТЧАН ТИМСОЛЛАР

Дарё ўз ўзини ўзгартириб тургани каби назм ҳам воқелик натижасида бошқача шакл-шамойил касб этиши мумкин. Бу янгилашилари кимдир мунажжимларча қоинот ахборот оқимида боғласа, яна кимдир реал воқеликдаги ижтимоий-сиёсий бурилишлар таҳлили асосида изоҳлайди. Нима бўлганда ҳам, XXI аср бошига келиб, ўзбек ёшлар шеърляти умумийликдан хусусийлик сари юз тутди. Бунга пасайиш ёки юксалиш деймизми, ҳар қалай, шовқин-суронга тўла 80 йиллардан тафовут қиладиган бошқача жараёнга шохид бўлдик.

Алҳол, ёшлар шеърлятида лирика асосий белги сифатида юзага қалқиб чиқди. Шу авлодга мансуб шоира Адиба Умированинг ёзган битикларини ўқиб, бунга яна бир бор ишондим. Адиба дунёга қарата: «Аямай кўксимга китриқларинг от...» дейди. Чунки:

Мен сенга аталган кўз ёшман, сенга! Ёнсам сочларимда исинар борлиқ. Сен тушга ўхшайсан, энг гўзал тушга, Хаёлимда бору ҳаётимда йўқ...

Адибанинг мисраларида символизмга хос тасвир йўналиши, образлар силсиласи буй кўрсатади.

Нима учундир ҳаттоки назарийчи олимлар ҳам символизм оқимини у қадар чуқур тадқиқ этмаганлар. XIX аср охириги чорағида Францияда кенг илдиз отиб, кейин жаҳонга тарқалган бу оқимнинг фақуллода эстетик ҳодиса

саналгани бизга маълум. Шоира ҳам реал ҳаётдан кўнгли тўлмай, жўшқин ҳиссиётларига мос рангинроқ, хаёлийроқ оламни излайди. Ва ўз онг ости «йўлақлари»дан ўзгача ўлчамдаги дунёга чиқиб кетади. Бинобарин, унинг битикларида «туш», «рўё» сўзлари кўп қўлланилган. Бу тасодиф эмас. Адибани символизм йўлига балки ички сезим, руҳ тўлғоқлари, овозлар рангини, «мазасини»ни сезишдек туғма ис-теъдод етаклагандир?

Дунё — телба руҳимдек қарахт,

Зумрад оқшом кечар мисли туш.

Кумуш янглиғ либоси оппоқ,

Деразамдан кириб келар қиш...

мисралари билан бошланадиган шеърини муаллиф «Яшил кўлқоп» деб номлайди. Бир қарашда шеърда қиш манзара-

мамиз учун сирли бўлган битта хислати бор. Баъзан муайян масаладаги фикрини узоқдан олиб келиб, хулосасига келганда, тугал фикр айтмай, қийнайди. Аниқроғи, у кишининг нима демоқчи эканини ўзимиз тушуниб олишимиз керак.

Зомин ёзда оромижон масканга айланади-да. Шаҳарнинг дим муҳити одамни бўғиб ташлай деб турган мавсумда бир бориб унинг мусаффо ҳавосидан тўйиб нафас олиш кишига шу қадар ором бахш этадики... Ҳар йили бир марта Зоминга боришни одат қилганман.

Ўзи одам сафарда sinalади. Бир жойда ўн йил бирга ишлаб ҳам одамни бир марта сафарга чиққанчалик таниш қийин.

Қуёш қибла томонга қизариб ботаётган маҳалда Зоминнинг тоғли худудига кетиш йўли бошланишидаги янгидан очилган ошхонага кўндик. Харсанг тошлар гирдига цемент ялатиб кўтарилган супалардан бирига жойлашиб ўтирганча, эсаётган шабададан тўйиб-тўйиб нафас олдик. Нақадар ҳузурбахш эди бу.

Олис йўлнинг чарчоғи ёқимли таассуротлар таъсирида кўтарилгандай бўлди. Сухбатимиз ҳам шунга уйғун эди. Мен “махфий режа”мга асосан ўртага савол ташлайман.

— Шогирдларим кўп деб хурсанд бўламан, — дейди Абдусайд ака менинг шогирдлар ҳақидаги саволимга жавобан, — Мана, ҳар доим ёнимда ёшлар. Бирга ишлашдик, ниманидир сизлар мендан ўрганган бўлсаларингиз, яна ниманидир мен сизлардан ўганиб келаман. Очиги, ҳар бир инсон ўзи бир олам. Бировнинг бировга таъсири, ҳиссаси жуда кўп бўлавермайди, чамаси. Асли илигида бўлсин ҳар кимнинг...

Мана, мисол учун, Ўрол жўрангиз, адабиётни — дунё адабиётида чуқур илдиш отган оқимларни яхши билади, асарни тушунади, тушуниб таҳлил қилади, ўзига хос қалами бор, ёзаман деса гўзал ҳикоялар, публицистикалар ёзади. Унинг ўзбек ва жаҳон адабиётини нозик тушуниши, зукко талқин қилишига, айниқса, ҳавас қиламан. Фа-

қат ўзимизга ўхшаб дангасалиги бор — ёзишдан кўра маслаҳат осонроқ, деймиз-ку ўзимизам кўпинча. Лекин газетага ўтганидан кейин анча очилди, ўтган йили ёзган мақолаларининг ҳар бири ўзига хос ҳужжатли асардай гап бўлди-ку. Биз бир-биримизни турткилаб, ёз-ёз деган гапни тез-тез айтиб туришимиз керак.

Шеърятда ҳам, насрда ҳам, публицистикада ҳам истеъдоднинг ўрни катта. Ўзида бўлмаса, зўракилик билан шоир ёзувчи ясаб бўлмайди. Шундай экан, устоз-шогирд деган гапларга ҳам нисбий қараш керак. Масалан, сиз билан бизга устоз-шогирдликдан кўра ака-укалик кўпроқ ярашади деб ҳисоблайман. Нима дедингиз?

...1997 йилнинг декабри. “Сиёсат” таҳририятига бош муҳаррир бўлганимга бир ойлар бўлган. Тўғриси, телевидениенинг муҳити менда оғир таассурот уйғотиб юрган пайтлар. Бу вазифада иш бошлаган кунларимда уч-тўрт нафар кекса ҳамкасблар кириб менга “оқ йўл” тилаган бўлиш-

лари ифодаланаётгандай кўринади. Аммо «Зумрад оқшом кечар мисли туш» сатри шеърга сеҳрли тус бағишлаб, ўқувчисига ўзгача ҳиссиёт тақдим этади. Шеър хулосаси эса юракда туйганларингиз чинлигига ишонтиради. Туш унсурларини эслатади.

Туш ниманинг маҳсули? Ва нима воситасида кўрилади? Шуниси аниқки, туш худди кино ленталари каби онг ости қаватида яраладиган мўъжизавий тасвир. Баъзан ҳаётда умуман учратмаган кишиларингиз тушга қиради. Сиз билан гаплашади. Савол берсангиз, жавоб қайтаради. Манзаралар бирдан ўрин алмашинади, кўрасиз, илғайсиз, юрак шовуллади. Туш ҳам ҳаётнинг бир тури. Ўзингиз иштирок этасиз-ку, тушингизда. Гоҳида туш шу қадар ишонарли чиқадики, уйғонгандан кейин ҳам ҳаяжони босилмайди. Баъзи адабиётшунослар шеър ёзиш — кўзи очик ҳолда кўрилган туш, дейишади. Бу гапда жон бор. Адибанинг шеърларида иссиқ-совуқ, оқ-қора, туман ва очик кун манзаралари худди тушдагидек кечади. Унинг лирик қахрамони ўз сарканшлигини билади: «Бу дунёнинг бош-охури ғамми, Ота? Борми ўжар Адибадек девонаси...».

Инчунун, шоиранинг шеърларида ошиқ образи ўзгача мавқе эгаллаган. Ошиқ кўнгул тугёнини баён қилиш билангина кифояланмайди. У ишқ ўтида ёнади. Ана шу ёниш орқали ўзининг ичида кўкка сапчиётган вулқонлар шакл-

шамойилини англатади. «Видо» шеърида шундай манзараларининг шоҳиди бўламиз. Лирик қахрамон — дунёдан умидини узган «ўлимни кутаётган одам». У ўздан бошқа ҳар нарсани бахтли деб билади: «Кучоғимда гулларим бахтли, Мен эртага йўқман, ишонинг». Умуман, шеърятдаги «ўлим» образини жисмонан йўқ бўлиш маъносига тушунмаслик жоиз.

Ҳазрат Навоийнинг битикларида «жилвагоҳ» сўзи кўп ишлатилган. Жилвагоҳ — кўнгил уйи. Унинг жилваси икки дунёни гулларга кўмади. Шоиранинг наздида, энг асосийси — КЎНГИЛ. «Нега кўзларимдан излайсан хато, Ўзи бу дунёнинг қаери тўғри», дейди. Шундай чоғларда поёнсиз коинот руҳиятида кичраяди:

**Ҳаммадан қолган май қуйқаси — ҳаёт,
Бу телба руҳимни кимга оғдирар?
Қумнинг заррасидан кичик коинот,
Бошимга маломат тошлар ёғдирар.**

Шоира ишқ оташида ёнади. Ишқ йўқ экан — ҳаётда маъни ҳам йўқ. Ишқда ўзни, ўзгани, Ҳақни таниш бахти бор. Шунинг учун шоира «Юрагимни кўмиб ишқзорларингизга, Қақроқ лабларимга тўқилсанг нетар?» дея борлиқдан «тириклик ҳикмати»ни ахтаради.

Сўз — оддий истакларни ифода этадиган восита. Лекин истак мураккаб бўлса, сўзга сигмайди. Одам ўз ҳола-

ди. Уларнинг эътиборидан хурсанд бўлдим.

Шундай кунларнинг бирида кечга томон телефон жиринглаб қолди. Гўшакни олсам — раис. Хулласи калом, емаган сомсага пул тўладим. Бизга тааллуқли бўлмаган масала учун роса “пўстагим қоқилди”. Ҳали эфирга кетмаган, аммо кўрик вақтида раҳбаримизнинг кўзи тушиб қолган бир кўрсатув сабаб бўлганди бунга. Мавзу бизга тегишли. Аммо у очиб берилмаган, кейин уни кўриб Абдусайд акада мухбирнинг холислигига ҳам шубҳа уйғонган эди. Бунинг устига, шу пайтларда бир ходимимизнинг вилоятлардан бирида шубҳали ишлар қилгани ҳақида гап урчиб, шундан ҳам асли у кишининг кайфияти йўқ эди. “Ходимларни нега бошқара олмаёпсиз, ёки ўзингиз ҳам шерикмисиз”, деган таънали гапларни эшитиш мен учун жуда оғир эди.

Тарвузим қўлтиғимдан сирғалиб уйга қайтдим. Бу тахлитда ишлаш менга, менинг феъллимга мутлақо тўғри келмасди.

Чунки ичим тор бир кимса бўлсам, майда-чуйда нарсага ҳам ўзимни еб ташлагудек қийналанман-у... Йўқ жойдан бунақа гап эшитаверсам, кўп узоқ яшашимга ҳам кўзим етмайди.

Эртаси азонда келиб аризани ёздим. “Ўз ихтиёрим билан бошқа ишга ўтиб ишлашимга рухсат беришингизни сўрайман...”. Қанақа иш бераркан, дея ўйлайман. Бир кўнглим, “Ассалом, Ўзбекистон!” га мухбир қилиб ўтказса бўлди эди, бирон кунни чиройли қилиб тайёрлардим, деган ўйга келаман. Сўраб ўтирармиди, кайфиятига қарайди-да. Ҳали иш берсаям...

Бироз бўшашиб кабинетимга кирдим. Эшикни очишим ҳамон телефон кечаги шиддат билан ўзига чорлар эди. Гўшакда яна раис. Абдусайд аканинг мулоимлигини кўрсангиз... “Ассалому алайкум, оқсоқол — дея сўз бошлади “шеф”, — бундан буён ишни сизга салом беришдан бошлашга аҳд қилдик. Чунки сиёсатимиз қўлингизда. Тақсир...”

Кейинги гаплар аҳамиятли

эмасди, айтса ҳам, айтмаса ҳам, ёзиб олса ҳам, ёзиб олмаса ҳам бўлаверадиган “дежурний” гаплар. Энг муҳими, раис кеча бироз қизишгани, яна денг, ноҳақ танбеҳ берганини ўзи билгач, шуни юмшатиш учун мулозамат қилаётганди. Билмадим, керак вақтда бундай “паст”га тушиш ҳамма раҳбарнинг ҳам қўлидан келармикан? Аммо билганим, шу биргина воқеанинг замирида ҳам раҳбарлик салоҳияти, ҳам инсоний некбинлик ва адолат уйғунлашганди. Мен бундай вазиятларнинг кўпини кўриб раҳбар қандай бўлиши керак, деган маънодаги талайгина саволларга жавоб топганман. Абдусайд ака билан тўққиз йил атрофида ишлашган бўлсак, бундай вазиятлар кўп бўлган. Камтарлик, холислик, инсоннинг қалбини англаш, кечиримлилик, керак жойда ходимларнинг кўнглига қараш, уларни ноҳақликлардан ҳимоя қилиш каби фазилатлар раҳбар шахснинг безаклари эканига гувоҳ бўлганмиз. Йиллар давомида кўриб-билганларимиздан сўнг бу инсонни ус-

тини сўзга кўчира билмайди. Шу боис Ғарб шартли тасвир усулини истеъмолга киритган. Яъни, ижодкор ҳиссиётини борича, тортинмасдан тасвирлайди. Китобхон ўша изҳорни соф санъат нуқтаи назаридан қабул этади. Адибанинг шеърларида ўқувчи савиясига ишона туриб, юрак розини борича қоғозга кўчириш усуллари га гувоҳ бўламиз. Хусусан, «Қор одам», «Оқ кема» сарлавҳали шеърлари Шарку Ғарб анъаналари синтезлашгани туфайли ўқувчида ёқимли таассурот уйғотади. Бу қарашлар Адибанинг нафақат муҳаббат, балки Ватан, табиат мавзусидаги битикларига ҳам тааллуқлидир. Шоира шеърларида дашт, қум, дарё атамаларини кўп ишлатади. Унинг суюкли ранглари қизил ва яшилдир.. Улар замирида «оловланиш» феъли матнга сингиб кетади. Бу хусусият унинг дашт қизи бўлганини, онг ости қаватларида ўша болалик кечинмалари муҳрланиб қолганини исботлайди. Хусусан, «Уфқ сандан бошланган, эй чўл, Барханларинг кечардим яланг. Чақирарди олис, нузли йўл, Олис сукут... бошоқранг даланг...» сатрлари ўша хотирот тасвиридир.

Баъзан шоирлар шеъриятида тигиз метофораларни кўп учратамиз. Метафоралар уч-тўрт сатрнинг ўзида кетма-кет қўлланилади ва идрокка юк бўлиб тушади. Адиба Умированинг шеърлари эса тимсол — рамзлар ҳаракатчанлиги жиҳатидан ажралиб туради. Дейлик, «Тушимга кирибди бир қоп-қора кун» сатри билан ибтидо топган «Кема» шеъриси

денгиз ва кема тимсол сифатида қаламга олинган: «*Кўзимга бостириб келаверар тун... Шовуллаган денгиз ва оппоқ кема*». Кўёш уфқлар ортига кўмилган, теваракка сукунат чўккан. Лирик қахрамон «қип-қизил кўйлақда» ёниб боряпти. Ортга қайтмас йўл ортда қолади. Олда тургани — аросат. Шунда:

Шамоллар бир зумда кўтарар тўфон,

Оху ноаларим кўкка етади.

Ёнимда туриб ҳам сезмай қолсан,

Мени оқ кемалар олиб кетади.

Бу шеър — символизмга дахлдор шеър. Бунақа усулни буюк рус шоири Александр Блок қўллаган. Бугунги кунда СЎЗ эркинлиги кафолатланган замонда хилма-хил оқимлар қаторида символизм ҳам қайта жонланаётгани қувонарли ҳол. Тўғри, бизда символист шоирлар бармоқ билан санарли даражада оз. Лекин символизмнинг мавжудлиги профессионал шеърят ҳали-бери хос доирани зериктирмаслигини тасдиқлайди.

Умуман, янги аср миллий шеърятимизнинг кейинги ўн йилликлардаги қиёфасини бу кунги истеъдод соҳиблари белгилаб беришига гумонимиз йўқ. Шундай экан, ёшларга эътиборли бўлмоғимиз даркор. Уларнинг битиклари Ғарб тилларига ўтирилса, халқаро миқёсда кенг тарғиб этилса, адабиётимиз нуфузи янада ошган бўлур эди.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

тоз дейишга ўзимни ҳақли сезаман.

Ўрикли адабиёт аҳлининг севимли масканига айланиб улгурган. Қўлига қалам тутган ёшдир, кексадир кўп йиллар давомида мунтазам ўтказилиб, анъанага айланиб кетган Зомин гурунларида қатнашган ва ёз жазирасида юртимизнинг ушбу боҳаво ва сўлим масканидаги илҳомбахш суҳбатлар, адабий кечалардан куч олган, қувват олган. Шу маънода Абдусайд ака иккаламизга Ўрикли янги “қўриқ” эмас. Бўш хоналардан бирига жойлашиб чарчоқ ёзди-га киришдик. Уйқу маҳали аллақачон келганди.

Эрта тонгдан устоз “тарки одат, амри маҳол” деганларидек, тоғ ён бағирлари бўйлаб сайрга чорладилар. Мен у кишининг одатларидан яхши хабардор бўлганим учун ҳадиксирабгина орқаларидан эргашдим. Абдусайд ака ҳар тонг иш вақтигача камида беш-олти километр пиёда юришга одатланган. Бунга кўплар, айниқса, менга ўхшаган

“дангаса”лар чидармидик. Ўриклида бўлган санокли кишиларгина бу жойдан сўқмоқлар орқали “Зомин” санаторийсига олиб чиқадиган тоғнинг тепасигача борган. Бизлар ҳам бордик — бировимиз ихтиёрий, бири-миз мажбуран. Раҳмат-э!

— Бизга Оллоҳ берган мана шундай жаннатмонанд табиатнинг қадрига етишимиз керак, — дейди Абдусайд ака.

Бу — ижод лаззати эди. Ҳозирда ёзиш, ижод устознинг энг севимли машғулотига айланган. Яна денг, бўлакча шижоат, илҳом, қувват билан киришган бу ишга.

Назаримда, кейинги йилларда эълон қилинган “Муҳаббат боғлари”, “Кўзларимнинг қароғидасан?”, “Эл сув ичган дарёлар” номли китоблари Абдусайд Кўчимовнинг кўнгил ардоғидаги хулосалари, ҳаётини тўхтамлари, тажрибаларидан ҳосил бўлган дурдоналар. Нафсиламбрини айтганда, “Эл сув ичган дарёлар” ўз қахрамонлари умрига умр, ҳаётга бўлган шижоатига шижо-

ат, ижодига рағбат, ҳаётга мазмун олиб кирганига шубҳа йўқ. Бу китоб яратувчисининг асл муддаоси, покиза ниятининг ижобатидир.

Зоминда икки кун бўлдик. Суҳбатларимиз давом этди, одамзоднинг табиат олдида аслида катта қудратга эга эмаслиги борасидаги фалсафий хулосалар асносида яна бир нималар устознинг ёндафтарига қораланди. Сафардан қайтаётганимизда Ўриклида ёзилганларидан эшитайлик, дея устозни қистадим. Ака бироз жилмайиб, ўзларига хос шавқ билан Зомин илҳомларидан пайдо бўлган янги шеърларини ўқиб берди:

Ҳар икки шеърни ҳам кўчириб олдим. Чунки уларнинг биринчи ўқувчиси эдим. Эсдалик-да... Мен устоздан жуда-жуда кўп ўргандим. Касб сирларини, ижтимоий фаолликни, ижодий ёндашувни ва одамийликни...

Ҳусан ЭРМАТОВ,
журналист





Қуён йили қут бўлар

* * *

Яхши йил баҳоридан маълум,
Яхши кун — саҳаридан.

* * *

Ҳамал кирди — амал кирди.

* * *

Ҳулкар туғди — ўт туғди.

* * *

Кун ғамини саҳар е,
Йил ғамини баҳор е.

* * *

Наврўздан сўнг қиш бўлмас,
Мезондан сўнг ёз бўлмас.

* * *

Савр келса муз турмас,
Қуда келса қиз турмас.

* * *

Савр бўлмай сайрон бўлмас,
Сайрон бўлмай айрон бўлмас.

* * *

Савр ёмғири — сари олтин.

Санъат турлари жуда кўп бўлиб, уларга ишлатиладиган ашёлар ҳам турли-туман. Ана шундай ашёлардан бири пластилиндир. Пластилин – бадий имкониятларга бой ашё ҳисобланади. Моделлаштириш, ясаш, аппликация дунёқарашни ривожлантириб, бадий дид ва зийракликни ўстиради. Пластилин ёрдамида катта бўлмаган қувноқ расмлар билан бирга мураккаб профессионал ишларни ҳам яратиш мумкин. Пластилиндан асарлар яратиш – қизиқарли ижодий машғулот бўлиб, инсонга эстетик завқ бағишлайди. Ёрқин ранглarning уйғунлашуви ҳамда турли тасвирий санъат услублари пластилинда бажарилган асарларни оригинал ва декоратив қилади.

Ана шу ашёнинг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда кўплаб асарлар яратиб келаётган иқтидорли ёшлардан бири Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Тасвирий санъат факультети Китоб графикаси ва миниатюра йўналиши талабаси Оксана Бедрицкаядир.

Оксана ёш бўлишига қарамай, кўплаб республика ва халқаро болалар бадий ижодиёти танловларининг иштирокчиси ва ғолиби бўлган. Унинг асарлари Ўзбекистон, Россия, Украина, АҚШ давлатларининг шахсий коллекцияларида сақланади. 2004 йилдан Ўзбекистон Бадий академияси Ёш ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.

Ёш ижодкорнинг ишларида томошабин ҳар хилликни кўради. Унинг ишларидаги қаҳрамонлар – уй ҳайвонлари, балиқлар, итлар, қурбақалар, дельфинлар, гуллар, дарахтлар... Манзара ва натюрмортлар Оксананинг сеvimли мавзулари ҳисобланади.

Оксана Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган турли кўрик-танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб, турли совринли ўринларни қўлга киритган.

2004 йили республикамизнинг машҳур рассомлари Баҳодир Жалолов, Владимир Бурмакин, Акмал Нур ва бошқа кўплаб рангтасвирчилар ёш ижодкорнинг ноёб қобилияти ва иқтидорини кўриб, махсус ҳайъат аъзолари томонидан Ўзбекистон Бадий академияси Ёш ижодкорлар уюшмасининг энг ёш аъзоси сифатида қабул қилишди.



Услуб

2008 йили Оксана Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтининг Китоб графикаси ва миниатюра бўлимига ўқишга кирди. Бу ерда у устозлардан китоблар учун иллюстрациялар ишлаш бўйича сабоқ олмоқда.

Оксана институтда ўқиш билан бирга, 2009 йилдан бери “Сан-викт” рассомчилик марказидаги ногирон болаларга, шунингдек, Ҳамза туманидаги “Дўстлик” маҳалласи қошида кам таъминланган оила фарзандлари учун тўгарак очиб, пластилин билан расм чизиш маҳоратини ўргатиб келмоқда. Шу билан бирга, бу болалар ижодий ишлари билан танловларда қатнашиб, турли совринли ўринларга сазовор бўлишган ҳамда уларнинг ишлари Чехия, Украина каби давлатлардаги танловларда иштирок этиш учун тақдим қилинган.

Ёш ижодкор келажакда ўз танлаган соҳасининг нозик сир-асрорларини чуқур ўзлаштириб, бундан ҳам гўзал ҳамда мазмунли асарлар яратиб, юртимизнинг шарафини, миллий санъатини жаҳонга машҳур қилишга ўз ҳиссасини қўшади.

Зулфия АЪЗАМОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ талабаси



Онашзор



Агар Шамсия опадан дунёда энг азиз ва энг ёқимли ҳид ниманики, деб сўрасангиз, чақалоқнинг ҳиди, деган бўларди. Шамсия опанинг тўртта қизи, иккита ўғли бор. Тўртинчи қизининг яқинда кўзи ёриди.

Опа бир мизғиб олди-ю, қизига овқат пиширишга уннаётиб кўнглидан ўтказди: «Қабри нурга тўлгур энам (қайнонам дейишга кўнгли бўлмади) бўшанган аёлга қанақа овқатлар кераклигини роса ўргатган эди. У кишининг ҳамма гапларини қулоғимга илиб олардим. Мана шу билиб олганларим энди кунимга яраяпти».

Опа тонг отгунча куни бўйига етгулик икки-уч хил овқатни қиёмига етказиб пиширди.

Уйдаги невар-қизча уйғониб, аясини излаб йиғламсирай бошлади. Лайло баҳоси йўқ қиз-да, укасини қўлига олиб уни овқатлантиришга тушди. Опа эса овқатларини олиб куёвнинг машинасида унинг иш вақтигача чақалоққа бориб келишга улгурди.

Шамсия опа невар-қизчани ҳар куни қўлида кўтариб туғруқхонага қатнади. Тўрт-беш кунда она-болага уйга жавоб беришди. Уларни уйга олиб келаётганда дабдабалар, камера-ю узун машиналар қилиб юрмади. Нима қилади боласини чарчатиб?

Куёви иккита гулдаста олипти. Биттаси катта қизчасига, иккинчиси чақалоқнинг аясига экан. Шамсия опа “Ҳа, майли энди, менга қолса шу гулларни ҳам олдирмаган бўлардим. Энам раҳматли, чақалоққа гулни яқинлаштирманглар, чунки боланинг ўзи гул бўлади”, дерди деб кўнглидан ўтказди. Шу кундан бошлаб опа она-бола парвариши учун «навбатчи», яъни типпа-тик турди.

Чақалоқни кун ора аяси ёрдамида чўмилтираве-риб, бир ойлик бўлганини билмай қолишди. Опа қизига бошқа овқатлардан ташқари ҳар куни атала пишириб беришдан чарчамади. Лекин опача бўлган қизчага осон бўлмади. Чақалоқ ҳар эмганда аясини қизганиб шундай бақириб, эзилиб йиғлайдики, кўз ёшлари қорнигача оқиб тушаверади, тушаверади. Омон бўлгур Лайло иккаласи уни кўндириб олгунларича эна сутлари оғзиларига келади. Бир куни шу қизчани ўлиб-толиб ухлатиб бўлишувдики, опанинг қизи:

— Ая, бирпас гаплашсак-чи, — деб қолди.

— Жоним билан, — деди онаси.

— Ая, сиз ва дадамнинг бошимизда соғ-омон яшаб юрганларингиз бизга катта давлат, катта бахт экан. Туғуруқхонада мен энгил бўлганимдан кейин ҳамширалар чақалоқни чўмилтириб, менинг устимни меҳрибонлик билан ёпгач, дўхтир: “Ҳозир дадангни ёнингга киргизамиз”, деди. Мен уялиб кетдим, сира ундай

қилманг, ноқулай бўлади-ку, деб қайта-қайта айтсам ҳам ташқарига чиқиб кетди. Дадам тезда кира қолмади. Менимча, дадам ҳам киришга рози бўлмаган-у, профессор қўярда-қўймай олиб кирган. Дадам: “Қандайсан, энажон, — деб энгашиб пешонамдан ўпиб, бошимни силаб қўйди. Ёруғликка чиққанимча, юрак ҳовучлаб ўтирган дадагинамдан бир оғиз, ўзингиз ҳам яхшимисиз, деб сўрамай, мен афанди: “Уйда қизим йиғламаяптимикан?” деб сўрабман. “Йиғлагани қўямизми, унга-бунга овунтирамиз алдаймиз, сулдаймиз, сен илҳақ бўлма болангга, болам!” дедилар. “Ака, қизингизнинг ёнига киргизишдан мақсадим биз ҳомиладор аёллар билан биргаликда ўлим билан юзма-юз олишган узундан-узоқ соатларимиз кўп бўлади. Мана, қизингиз осонгина қутулиб олди. Сиз шу жойда бир дуо қилинг. Бошқа она бўлувчи аёлларга ҳам сизнинг қизингизнинг йўлини берсин.

Дадам худди шундай дуо қилиб, чиқиб кетдилар. Менга кулиб қараб, “Мен қуяман боламга, болам қуяр боласига, экан-да, қизим”, деб чиқиб кетдилар...

Шамсия опа парҳезде яради. Ўзига енгилроқ, куёвига тўйимли, қизига яна бир бошқа овқат тайёрлаш учун бирданига уч қозон осди. Энди бир зувала хамир ийлай деб турувдики, эшик жиринглаб қолди. Очса, ўз қишлоғидан, Тоҳир деган йигит. У опанинг кўзига жудаям иссиқ кўриниб кетди.

— Энангиз сизга хат бериб юборди, — деб конвертга ҳам солинмаган икки варақ қоғозни опанинг кўлига тутқазди-ю, шошиб пастга тушиб кетди. Зинадан энгашиб, бир пиёла чой ичсанг бўлмайди, Тоҳир! — деб қолаверди опа. Тоҳир зиналарда кўриниб-кўринмай, шоша-пиша деди:

— Энангиз, уйларида чақалоқ бор девди, янги меҳмонларингиз катта бўлаверсин, кейинги келганимда кираман, пастда машинада одамлар кутиб туришипти, тезроқ қишлоққа етиб олайлик, хўп хайр, опа!

— Бўпти, хайр, қишлоқда ҳаммага салом айт! Эсон-омон етиб олинглар! — деб, Шамсия опанинг юраги орзиқиб кетди. Энаси билан телефонда гаплашиб туради-ку, нега хат ёздийкин?

«Болажоним, янги отчопарлик бўлибсизлар, қутлуғ бўлсин! Ишинг аввалгидан ҳам кўпайгани аниқ-ку, шундай бўлсаям кўп ўзингни уриб тураверма. Жон-жон ўзингнинг жонинг жон. Балаларинггаям қараш-ку, лекин ўзинггаям қара-да. Кундуз кунлари бирпас мизғиб олиш учун ўзингга вақт ажрат. “Мен қуяман боламга, болам қуяр боласига”, деб шунга айтганими... Айтгандай, сенга хат ёзганим сабаби шуки, анов телефонга менинг ҳамма гапим сизга йиғилди.

Боламов, энам бизга қилган меҳнатларини миннат қилаяпти, деб кўнглингга олиб юрма. Миннат қилиш менинг тушимга ҳам кирмайди. Лекин ёшим саксонга чиқиб, энди тушундим, одам ўзини ҳам асраши керак экан. Ҳозир шунчалик чарчаб қарибманки, сенга хат ёзаётиб ўтирган жойимда ҳам қалтираб бораёпман. Умрим бўйи еттовингни ўқитамиз, олий маълумотли қиламиз, деб мол семиртирдим, кетмон чопдим, пилла қарадим, товуқ кўпайтирдим, шеварлик, чизмакашлик қилдим. Бир умр отанг ҳам шафёрлик қилиб, ҳалол пул топиб, рўзгорни таъминлади.

Беш қизимга қилган бешта катта сўзанани, ўзига қилган меҳнатларимни ўйласам, мана шу хатни ёзишга-ям толиб бораётган қўлларим илгари шунча оғир, машаққатли ишларни бажарганми, деб баъзан ҳайрон қоламан. Оллоҳ мени саксон ёшга етказганига беҳисоб шуқур. Лекин, болам, жуда қаттиқ чарчашнинг, қариликнинг давоси йўқ экан. Аммо, битта нарсага қувониб ўтираман, умрим бўйи нима иш қилсам, ҳаммасини ҳавас билан уддалаганман. Барча ишимни чиройли бажаришга уринганман. Болам, ҳамма ишларингни ҳамма вақт меҳр билан бажаринглар, деганимни ҳеч қачон эсларингдан чиқарманглар. Менга қувват бўлишни истасаларинг, бир-бирларинг билан иноқ бўлинглар ва ўз жонларингнинг ҳам бир оз қадрига етинглар. Ушанда, қариганларингга, ўтирган жойларингга ўзларингни бақувват тута оласизлар...

Қачон келасан, болам? Ўзи хатимнинг бошида шуни сўрамоқчийдим. Сени бирам кўргим кеган, бир-рам кўргим кеган, кўёвур. Ҳар замонда бир келасан-у, болаларим деб кетасан, қоласан. Сен билан бир тўйиб гаплашайин десам, парзандларингдан ҳеч менга навбат тиймайди. Хайр-хўш, энди болам, кўришгунча”.

Шамсия опа чақалоқ қирқидан чиққач, онасини кўриб келишга қаттиқ қарор қилди, онасининг бир умр ҳамма ишимни ҳавас билан чиройли бажаришга уриндим деб ёзганини эслаб, опанинг руҳи жудаям яйраб кетди. Бу — оддийдан оддий, азиздан-азиз онасининг фикри. У бу фикрлардан кенг хулоса чиқарди. Бу дунёга келадиган инсон инсонга ўхшаб яшасин. Ўзининг ким эканлигини, қандай ободлик ва тўкинликлар барпо этишини, меҳр-оқибат кўрсатишини ва улуг кашфиётлар яратиш имкониятига эга эканлигини исбот қилсин. Ахир, халқимизнинг шоира қизи, оқила қизи, хон қизи, жон қизи — Нодирабегим бизга ёзиб қолдирган-ку:

**Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятни баён этиб кет.**

Мана шу сатрлардан завқ олиб, қайта-қайта такрорлаб, ошхонадаги гимир-гимир ишларини бошловдики, телефон жиринглаб қолди:

— Ая! — опанинг жонига туташ бу овоздан унинг юраги ҳаприқиб кетди. — Биз ўғиллик бўлдик, хавотир олманг, мен яхшиман.


Бу Москвада Медакадемияни битираётган қизи Инобатнинг овози эди. У шошиб гапирётганда ёнидаги чақалоқнинг ҳам ширин ингаси эшитилиб кетди.

— Во, айналайин, болам-а! Қутли бўсин, қўзилаганинг! — деганини у эшитдим, йўқми, телефон алоқаси узилиб қолди. Шамсия опанинг интиқ, интизор, кўзи тўрт бўлиб ёзган онасининг хати эса жойида қолди. Опанинг хаёли Москвада. Боласининг уйда қолган икки болагинаси нима бўлдийкин? Куёв эрталаб ишга бор-маса, илож йўқ. Бетоқат она уларнинг ёнига тезроқ учиб кетиш тараддудини бошлаб юборди...

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА



Позик нақшлар, нафис чизгилар... Қадим миниатюраларда кўриб, кўзимизга ўрнашиб қолган тиниқ, аниқ ранглар... Шунча гўзаллик, шунча нафосат мўъжазгина қоғозда мужжасам эканига, яна ҳам тўғрироғи, шуларнинг ҳаммасини бир варақ қоғоз ўзига сингдирганига ишонгинг келмайди. Оҳистагина бармоқларимиз учида сийпалаб кўрамыз. Майин, ипакдек майин. Бекорга ипак қоғоз дейишмайди-да. Деворларга осилган, иш столларига тартибли ёйилган бошқа буюмларни ҳам кўздан кечирамыз. Башанг, айти пайтда мураккаб сўғдийлар либоси, ўзбекча кўкракбурма кўйлақлар, дўппи, нимчалар, турли ниқоблар, сумкалар, ҳатто қўғирчоқлар... Ҳар бири бошқа-бошқа матодан тикилганга, ясалганга ўхшайди.



— Ушлаб кўраверинг, ҳаммасининг ҳам асоси битта, — дейди тадбиркор Зариф Мухторов. Ушлаб кўрган қўлга ҳам қоғоз экани дарҳол билинавермайди. Қай бири юмшоғу, қай бири дағалроқ... Гап Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Конирил маҳалласида жойлашган “Конирил мерос” хусусий корхонаси ҳақида кетяпти. Зариф Мухторов шу корхона эгаси. Ҳунармандлик унга отамерос. У кишининг отаси Абдурахим Мухторов ҳам узоқ-яқинда ном чиқарган қулол бўлган.

— Раҳматли отамиз ҳам жуда изланувчан, қизиқувчан инсон бўлганлар. Бир хилликдан, тайёр қолиплардан қочганлар. Ҳамиша, ҳар бир буюмда янгилик қилишга, харидорларни ҳайратга солишга интиланлар. “Ясаётган кўзачанинг тутқичи бўлса ҳам, ўзига хос бўлсин. Ҳунармандчилик маълум маънода санъаткорликдир”, дер эдилар, — дея хотирлайди отасини Зариф ака. У ота изидан бориб қулолчилик билан шуғулланар экан, унинг диққатини бошқа бир нарса тортди. Бу ипак қоғоз эди.

— Бундан 200 йиллар аввал Самарқандда ипак қоғоз ишлаб чиқарилган. “Буюк ипак йўли” бўйлаб қатнайдиған карвонларда ипак қоғозлар ноёб мол ҳисобланган. Ҳатто ўша давр тижоратчилари орасида:

— Бир варақ ипак қоғози бўлган хонадон бадавлат хонадон, — деган нақл юрган. Лекин бу қоғоз ихтирочилари кашфиёт сирларини бировга очмаганлар. Фақат ипак қоғоз ишлаб чиқариладиған хонадонларгина бу сирдан хабардор бўлган.

— Инсон бир нарсага қаттиқ интилса, давр ва қонунлар уни қўллаб турса, албатта, ниятига етади, — дейди Зариф Мухторов. Тўғри, унга осон бўлмади. Ипак қоғозга оид қўлёзмаларни ўрганди, интернет титкилади, дунёнинг қайси бир четида ипак қоғозга меҳри тушганлардан дарак топса, у билан боғланишга ҳаракат қилди. Ва аста-секинлик билан мақсад сари яқинлашди. Ва ниҳоят узоқ уринишлардан сўнг Самарқандда яна ипак қоғоз ишлаб чиқарила бошлади. Бу айтишга осон. Аслида, ниҳоят мураккаб жараён. Тайёрлаш босқичларига бири-биридан қўл меҳнати билан ўтилади. Тут дарахти новдаларини кесиш, пўстлоғидан ажратиш, келида туюш, қозонларда қайнатиш... Ишчилар гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ билан рўпара-рўпара бўлишади.

— Лекин машаққатнинг ўзига яраша завқи бор, — дейди ишчи Назира Неъматова. У Санъат коллежини тугатган. Корхонада ишлаётган 20 нафар ишчининг 13 нафари аёллар. Уларнинг баъзилари



талаба, баъзилари эса санъат, маданият бўйича ўрта махсус билимга эга.

“Конибил мерос” хусусий корхонаси 3 йилдан буён самарали ишламоқда. Шу вақт ичида у корхона ишчиларининг гул қўлларидан чиққан буюмлар Япония, Корея каби давлатларнинг санъат фестивалларида иштирок этди. Ранглари тарқалмайдиган, ювса, яна аслига қайтадиган бу ипак қоғозлар қадим аждодларимизнинг нақадар оқил, моҳир бўлганлигини исботлайди, бизнинг авлодлар — Истиқлол даври, одамлари ҳам улардан кам эмаслигини кўрсатади. Корхона атрофидаги сойда сув тўлиб оқади, чархпалак айланади. Қоғозлар-



дан буг кўтарилади, дўқ-дўқ келисоп овози... Ичкарида эса оч пушти, оч мовий, сут ранг қоғозларга ниманидир қоралаётган Дилобар, Гулчехра, Азиза қизлар...

Улар “Олтин зангламас” деган асрий иборани яна ва яна исботлаб яшаётганини, шу меҳнат баробарида ўзлари ҳам юксалиб, улғайиб бораётганини ўзбек ҳунармандчилиги, Ўзбекистон ҳунармандчилиги аталган катта бир соҳага дахлдорлигини сезармикин? Улар ҳатто бу ишга даромад манбаи, тирикчилик йўли деб қарашса ҳам, аслида ипак қоғозининг умрига умр қўшаётгани ҳақиқат! Қайта тиклаш яратиш билан баробар экан. Шу маънода Зариф Мухторов ва унинг қабатидаги ишчиларига эъзозимиз, ҳурматимиз баланд.

ДАВЛАТБАХТ



Буюк рус композитори ушбу сўзларни бежиз айтмаган. Унинг ўзи эрта саҳар туриб, мусиқа басталашга ўтирган ва замондошлари орасида “буюк заҳматкаш” номини олган. Хўш, илҳом парисини излаш қандай кечган? Кўпинча илҳом парисини излаган ёзувчилар ўзларининг ажабтовур қилиқлари билан яқинларига ташвиш келтириб, атрофдагиларнинг табассумига сабаб бўлган.

Француз ёзувчиси Виктор Гюго дангасалик билан курашиш ва ўзини ишлашга мажбур этиш учун ўзига-ўзи кўчага чиқишни ман қилган экан. Чунончи, у севимли қаҳвахонада ўтириб, ошналар билан гурунглашиш иштиёқидан қутулиш учун ўз сочини ўзи ажабтовур қилиб кесган экан. Соч яна қайтиб ўсиши учун энг камида бир ойча вақт лозим бўлган. Бу муддатда у бошлаб қўйган асарини кечаю кундуз ёзиб тугатган экан.

Унинг ватандоши ва замондоши ёзувчи Оноре де Бальзак ҳам

Улардан фарқли ўлароқ, француз ёзувчиси ва файласуфи Жан Жак Руссо иссиқни яхши кўрган, кўёш тиғи остида туриб ёхуд юриб туриб, ўз миясини қаттиқ ишлашга мажбур этган.

Америкалик ёзувчи Жек Лондон оддийроқ тарзда илҳом парисини излаган. У ёзув столига эрта тонгдан ўтириб олиб, кундалик меъёр — 2000 та сўзни ёзмагунча ўрнидан турмаган.

Бошқа бир америкалик ёзувчи Эдгар Аллан По ёзув столида ўтириб, илҳом париси келгунча тоза оқ қоғоз варағига соатлаб қараб турган.

Бельгиялик шоир ва драматург Морис Метерлинк илҳом париси билан бўладиган учрашувини қатъий тартибга солган. Ҳар эрталаб ёзувчи иш столига уч соат ўтирган, хаёлига ҳеч қандай фикр келмаган тақдирда ўрнидан туриб, бошқа ишларни қилган.

Француз ёзувчиси Жорж Санд ҳам ўз илҳомини қатъий тартибга солиб турган. Ҳар кун соат 11гача

ҳолатда кўрмаган экан.

Болалар ёзувчиси Корней Иванович Чуковскийнинг айтишича, Владимир Владимирович Маяковский “Иштон кийган булут” поэмасини ёзarkan, ҳар куни денгиз бўйида ўн-ийгирма километрча юрган. Баъзан тошдан-тошга сакраб, баъзан эса ой-парастларга ўхшаб юрган экан.

Инглиз ёзувчиси ва дараматурги Бернард Шоу эса этик кийиб, ёмғиргўшининг тугмаларини қадаб, уйидагиларга “Мен пьеса ёзишга кетдим!” деб, сайрга чиқиб кетар экан. У кўпинча одамлар билан гавжум бўлган бозорда кезиб юрар, баъзан эса уни шаҳар атрофида юрвчи поездларда кўриб қолишаркан. Унинг қўлида қайд дафтарчаси бўлиб, тез-тез сатр кетидан сатр битган экан.

Француз ёзувчиси Александр Дюма доимо бир хил катгалликдаги квадрат қоғозларга ёзишга одатланган бўлиб, агар бундай қоғоз тугаб, топилмай қолса, ёзишни тўхтатар экан.

Илҳом париси дангасалар ёнига келишни истамайди, аксинча, унга астойдил интилганлар олдига келади.

ЧАЙКОВСКИЙ

Илҳом ташрифи

бир-икки ой хонасида қамалиб олиб, деразаларни парда билан ёпган. Адиб чакмон кийиб олиб, шам ёруғида кунда 18 соат ижод қилган. Шу билан бирга, оёғига ҳеч нарса киймай, совуқ тош товонда юришни яхши кўрган.

Француз ёзувчиси епископ Жак Бенинь Боссюэ ҳам илҳом парисини совуқ хонада ва ёлғизликда кутган. У совуқ хонага қамалиб олиб, бошини иссиқ мўйна билан ўраган экан.

Немис шоири ва драматурги Иоганн Фридрих Шиллер ўз асарлари устида ишлаб туриб, доимо оёғини совуқ сувда тутиб турган экан.

иш столига ўтирган. Агар романини 10.30 да тугатса, дарҳол янги-сини ёзишга киришиб, ярим соат, яъни 11.00 гача ижод қилган.

Буюк Вольтернинг фикрлари доимо қайнаб тургани учун бир вақтнинг ўзида бир неча асар устида ишлай олган. Уларнинг барчаси стол устида ёйилиб турган.

Новелла устаси бўлган Проспер Мериме зериканидан ёзган экан. Аслзодаларга хос тарбия соҳибини ушбу адиб ҳикоя қилишга моҳир бўлган. Аммо жуда кулгили воқеаларни ҳам лабида табассумсиз айтиб бера олган. Замондошларининг бирортаси уни бирор марта кулган

Унинг ватандоши, ёзувчи Анатолий Франс ҳеч қачон тоза вараққа ёзмаган. У тўғри келган қоғоз парчалари, эски хатлар, конвертлар, таклифномалар, визиткаларга ёзишга одатланган...

Фан намояндаси ёхуд ижодкор бўлишидан қатъи назар, истеъдодли шахслар “Худо юқтирган даҳо”, “ўзича даҳо” каби таснифларга бўлинадилар. “Худо юқтирган даҳо”лар осон ижод қилганлар. Одатда, улар ўзларининг ижод йўлларини ёшлиқдан бошлайдилар. “Ўзича даҳо”ларнинг ижод йўли эса қийин кечган, баъзан ҳаёт уларга шафқатсиз бўлган. Кўпинча, уларнинг

ривожланиши болаликдан секин кечади. Шунинг учун “ўзича даҳо”ларда нохуш ҳаётий шароитларга қарши тобланган кучли ирода мавжуд бўлиб, улар тақдирлари ва ўз-ўзлари билан қаттиқ курашганлар. Бундай турдаги шахслар сирасига, шубҳасиз, америкалик ёзувчи Жек Лондонни киритиш мумкин.

Шунингдек, “Ўзича даҳо”лар қаторига буюк немис ёзувчиси Иоганн Вольфганг Гётени мисол келтириш мумкин. Ўта кучли ирода соҳиби, босиқ ва оптимист бўлган бу инсон замондошлари орасида “буюк олимпиячи” номи билан шуҳрат қозонган. Аммо у ёшлигида заиф, беқарор ва журъатсиз бўлиб, тез-тез тушкунликка тушиб турган. Доимий машқ қилиш ва ҳис-туйғуларини қатъий тартибга солиш орқали имконсиз туйилган воқеликларни ҳам буткул ўзгартиришга муваффақ бўлган! Умрининг охирларида у шундай ёзади: “Мени тақдир эркатойи дейишади.

тилишмайди?” дея хитоб қилган экан.

Кўпгина “ўзича даҳо”лар болалик ва ёшликлариди ўзгаларда иқтидорсиз ва ҳатто нодон сифатида таассурот қолдирганлар. Масалан, Антон Павлович Чехов мактабда ўқиб юрганида, ҳеч қачон иншодан учдан юқори баҳо олмаган экан. Британиялик ёзувчи ва сиёсий арбоб Жонатан Свифт эса “мактабнинг ўғай ўғли” ҳисобланган.

Бошқа бир англиялик ёзувчи Вальтер Скотт ҳақида университет профессори: “У нодон ва нодон бўлиб қолади!” деган экан.


Инглиз табиатшунос олими Чарлз Дарвинни отаси: “Сенинг ўқ отиш, итлар билан ўйнаш ва каламуш тутишдан бошқа ишинг йўқ. Сен ўзингни ўзинг ва оиламизни шарманда қиласан!” деб уришган экан.

Буюк ижодкорлар ҳис-туйғуларнинг ижод жараёнига кўрсатган улкан таъсирини алоҳида қайд этганлар. Масалан, буюк актёр, ре-

нов” фожеасини тугатгандан сўнг, дўсти, шоир, княз Петр Андреевич Вяземскийга хат ёзиб: “Менинг фожеам тугади, мен уни бир ўзим баланд овозда қайта ўқиб чиқдим ва “Оббо Пушкин, оббо энағар!” деб хитоб қилдим”, деган экан.

Кўпинча буюк ижодкорлар ўз асарлари қаҳрамонларига шунчалик киришиб кетганларки, бехосдан уларнинг ҳис-туйғуларини ўзлари ҳам бошдан кечириб бошлаганлар. Масалан, композитор Чайковский Пушкиннинг “Қарға хоним” фожеасига охириги опера картинасини басталаганда, ўз кундалигига: “Герман жон бераётганда қаттиқ йиғладим”, деб ёзиб қўйган.

Француз ёзувчиси Гюстав Флобер “Бовари хоним” романи қаҳрамонининг заҳарланишини тасвир қилаётганда унинг кечинмаларига шунчалик киришиб кетганки, ҳатто танасида заҳарланиш белгиларини ҳис қилиб, қорни оғриб, кўнгли айниб, қайт қилган экан.



Мен тақдиримдан шикоят қилмайман, аммо менинг ҳаётим аслида қаттиқ меҳнатдан иборат бўлган. Ҳозир — 75 ёшимда шунга айта оламанки, бутун ҳаётимда ҳатто тўрт ҳафтани ҳам роҳат-фароғатда ўтказмаганман. Гўёки мен доимо бир тоққа тош ташиганман, тошлар яна тўкилиб тушган, мен эса яна ва яна юқорига ташиганман”.

Шунинг учун ҳам “Фауст”нинг буюк яратувчиси ҳақида тўқилган куйидаги латифа ажабланоқли эмас. Кекса ёзувчига унинг етмиш яшар ўртоғининг ўлими ҳақида хабар беришганида, “Мен ҳайронман, одамлар нега узокроқ яшашга ин-

жиссёр ва театр билимдони Константин Сергеевич Станиславский ижоднинг биринчи ва муҳим ҳаракатлантирувчиси ҳис-туйғу эканини эътироф этган. Худди шу гоёни унинг замондоши ҳайкалтарош Марк Матвеевич Антокольский ҳам илгари сурган. У: “Ҳис-туйғусиз бирор-бир ижод намунаси дунёга келмайди”, деган эди.

Буларнинг бари ижод аҳлига ҳам тааллуқли воқеликлардир. Илҳом келганда уларнинг кўпчилиги катта қувонч, ҳеч нарсасига тенглаштириб бўлмайдиган лаззат ҳиссини туйганлар. 1825 йилда Александр Сергеевич Пушкин “Борис Году-

Умуман, Флобер ўз романларини яратаётганда, қаҳрамонлар билан бирга оҳ чеккан, кулган ва йиғлаган. Баъзан эса хонада катта қадамлар билан юриб, уларнинг сўзлари ва хитобларини баланд овозда қайтарган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, санъаткору ёзувчи ва шоирлар ўртасида нафақат ижодий тафовут, шу билан бирга, ижодга бўлган муносабатда ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бироқ нима бўлганда ҳам уларни бирлаштирувчи ягона жиҳат ижоднинг сермашаққат меҳнат эканлигидир.

Феруза ҲАМРОЕВА тайёрлади

Ривоят: Бир чўпон тоғу тошларда таёғини судраб, қўй-молларини боқиб юраркан. Уни кўпчилик, ҳатто эсдан чиқариб юборган экан. Чўпон таёғининг дастаси ялтираб кетган, учи эса, тоғдаги ўт-ўланларга тегавериби, яшил-қора тус олган. Шу таёқ, тоғ-тошлар ва подасидан бўлак сирдоши йўқ чўпон бир кун тоғда бир одамни дарахтга боғлаб кетишганини кўрибди. Одамга яқинлашса, ингранар, ғажиб ташламоқчи бўларкан (Аслида одамлар қутурган одамни ўлдириб кетишга кўзлари қиймай, боғлаб кетишган бўлади). Шунда чўпон таёғининг учини унга тутлади, очликдан силласи қуриган қутурган одам чўпни ғажиб ташлайди. Чўпон овқат берай деса, яқинига йўлатмайди, охири унга чўпни чайнатади. Хуллас, қутурган одам тузала бошлайди. Сабаби, тоғдаги гиёҳларга урилавериб, улардан “бол” йиққан чўп ўз ишини қилган эди...

Халқимиз орасида табиблар, кинначилар, қушночлар, фолбинлар, илгирлар илгаридан бор бўлган. Бу амаллар суяк суриб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Бугунги тиббиёт ривожланган, ҳар қандай касалликни юксак техник имкониятлар орқали аниқлаб, даволаш билан бир қаторда халқона усуллар билан даволаш ҳам йўқолиб кетгани йўқ. Тўғри, табиблар, кинначиларнинг эшиги тирбанд бўлмаса-да, шифо излаб келиб-кетувчилар топилади. Биз суҳбат қилмоқчи бўлган табиб Улбозор Равшанова ҳам олис тоғ қишлоғида истиқомат қилади.

— *Сизда табибликка қизиқиш қандай бошланган?*

— 12 йил аввал касал бўлдим. Бормаган дўхтирим қолмади. Соғайишдан умидимни узган кунларимда марҳум қариндошларим тушларимга кирар, касал одамлар билан хаёлийми, ишқилиб тушунтиролмаيمان, мулоқот қилардим. Баъзан бўладиган воқеалар 3-4 кун олдин тушимга кирарди.

Суҳбатдошимнинг касалликлари, ички дунёси кўриниб турар, уларга касалини айтиб юборгим келарди. Хуллас, чора излаб машҳур Темуристон эшон бобога бордим. У кишидан диний сабоқ олдим. Кейинчалик кўл олдим. Секин тузала бошладим. Айнақса, марҳумларнинг васвасасидан қутилгандим.

— *Балки авлодларингизда “қўл олган”лар бўлганми?*

— Ота авлодимда бахшилар, қушночлар бўлган. Хуллас, ҳам эскича, ҳам янгича даволай бошладим.

— *Сиз даволашда қандай омиллардан фойдаланасиз?*

— Онам раҳматли гиёҳлар билан даволардилар. Мен ҳам онамдан ўрганганим бўйича тери доғлари, бепуштлиқ, буйрак-ўттош, туз йиғилиши, бўғим касалликларини даволайман.

— *Бу борада тиббий малака керак бўлмасмикин... Бир гиёҳнинг ҳам фойдали, ҳам зарарли хусусиятлари бўлиши мумкин.*

— Халқ табобати бўйича чиққан китоблардан кенг фойдаланаман, шифокор ўғлим билан кўп масла-

ҳатлашаман.

— *Бу ишларингизга оилангиздагилар қандай қарашди?*

— Бошда қарши бўлишди, ҳар кун ишга одам келади, оиламга вақтинч йўқ... Секин-секин кўникишди.

— *Ҳозир Халқ табобати уюшмалари фаолият кўрсатади. Бирортасига аъзо бўлганмисиз?*

юзимга айтишмаган.

— *Касалликни қандай аниқлайсиз, томир ушлабми, беморнинг шикоятлари асосидами?*

— Асосан, китоб кўриб аниқлайман, сиз айтган усуллардан ҳам фойдаланаман.

— *Баъзан ҳамма нарсани йиғштириб, фарзандларингиз билан бўлганми?*

— Уч ўғлим,

икки қизим, ўн икки нафар неварам бор. Бироқ кимгадир ёрдим теккан кун

хотиржамман. Савоб олсам, дейман. Бобом шароитлари бўла туриб, ҳажга бормаган эканлар, бор будини етим-есирларга улашиб, дунёдан ўтган эканлар. Миннатга йўймангу, мен ҳам Ингичка қишлоғидаги етим-есирларга қарашман. Тўрт етим болани қарамоғимга олганман. Биласизми, касалларим пули бўлмаса, бир ҳовуч туршак ҳам ташлаб кетишаверади. Муҳими, мени алқаса бўлди.

— *Ахир сиз катта заҳматлар эвазига гиёҳлар йиғасиз, харажатлар қиласиз.*

— Гиёҳлар бизда қийин масала эмас. Фақат уларнинг “тил”ини пухта билиш лозим. Харажатларим фалонча бўлди, фалон сўмга кўриб қўяман, десам, бугунги даражага етмасдим.

— *Тилакларингиз.*

— Ҳамма соғ бўлсин. Менга иш қолмаса ҳам майли. Халқнинг боши омон бўлсин.


Суҳбатдош: Умида БЎТАЕВА

ХАЛҚИМГА НАФИМ ТЕГСА..

— Юнусободда Халқ табобати бўйича уюшма бўларди, ўқиб диплом олганман. Доимий аъзо эмасман, сабаби — Жиззахнинг олис тоғ қишлоғида истиқомат қиламан. Тошкентга келиб-кетиш...

— *Сиз қараган одамлар ҳаммаси ҳам тузалиб кетганми?*

— Бу ишни азоблар эвазига ўрганганман. Замонавий тиббиётни қораламайман. Кучим, малакам етмайдиган касалга тезда шифокорга боришини тавсия қиламан. Қайта-қайта келганлар, ўзи тузалиб, қариндошларини олиб келганлар бор. Биласизми, узоқ йил фарзанд кўрмай, оддий даволаганимдан сўнг фарзандли бўлиб, қўғирчоқдай боласини олиб келиб, неварангизни ҳам кўриб қўйинг, деган ёшлар бўлган. Сиздан наф кўрмадим, деб



КИЧИК ТАДБИРКОР

Аслида бу кичкина қизалоқ ўзини тадбиркор ҳисобламайди. Қизиқишми, бўш вақтдан унумли фойдаланишми, ишқилиб, Хонимой бу соҳага астойдил қизиқиб қолди. Унинг дастлабки ишлариёқ бир ажиб жимжамдор чиқди. Бувиси томонидан мақталган каштали ёстиқ жилд тезда харидорини топди. Кейин чойнак ёпинчиқлар, белбоғлар тикиб, Самарқанднинг олис қишлоғида яшовчи бувисига жўнатди. Қишлоқда келин бўладиган қизлар, келинлар бу антиқа буюмларни сотиб ола бошлашди...

Хонимой Тошкент шаҳридаги 307-мактабнинг 8-синфида аъло баҳоларга ўқийди. Мактабга ҳам 6 ёшида чиққани боис, синфдошларидан кичкиналиги сезилиб туради. Шунингдек, Ҳамза туманидаги “Олимпия” спорт мажмуасида гимнастика билан шуғулланади. Туман миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, совриндор бўлган. Шу билан бир қаторда мунчоқлар ёрдамида безакли буюмлар тикади. Келажакда шифокор бўлмоқчи... “Балки гимнастикачи ҳам бўларман”, дейди унинг ўзи. Уй ишларида ҳам онасининг яқин кўмакчиси. Энг яхши кўргани — салатлар тайёрлаш. Бу салатларни кўпинча унинг ўзи

ихтиро қилади. “Вақтни тўғри режалаштириш асосида ҳаммасига улгуриш мумкин, ҳатто телевизор кўришгаям”, дейди у “Барчасига қандай улгурасиз?” деган саволимизга. Ҳақиқатдан ҳам эрта тонгда туриб, уйлари яқинидаги мактаб стадионида югуриб келиб, онасига нонушта тайёрлашади. Кейин мактаб, машғулотли бор кунлари тикиш қилмайди. Дарс ва гимнастика. Бошқа кунлари тикиш, уй ишларига вақт ажратади.

— Пуллари кўпайиб қолгандир, уларни нима қиласиз?

— Менимча, телефон олсам керак. Ҳамма синфдошларимнинг қўл телефонлари бор. Гимнастикадан кечга қолишим бор. Шунинг учун телефон олмоқчиман. Қолаверса, гимнастика учун керакли буюмларга, тайёрлайдиган салатларимга уйдан пул сўраб ўтирмайман...


Хонимойдан ўқиган китоблари ҳақида сўраймиз. “Адабиёт китобимиздан “Уфқ” трилогиясидан берилган парчани ўқиб, давомига қизиқиб қолдим. Ойим олиб келдилар, шуни ўқияман. Яқинда адам Шукур Холмирзаевнинг ҳикояларини олиб келувдилар. Бир-бир ундан ҳам ўқиб тураман”.

Хонимойнинг яна бир ажиб хислати шундаки, ўзи-

нинг, сингисининг кийимларига мунчоқ ва бисерлардан безаклар, мато қирқимларидан гулчалар ясаб, тикиб олади.

Инсоннинг шаклланиши ёшликдаги фаолиятга боғлиқ. Бугунги кичик-кичик ишлар эртанги буюк ишларга дебеча бўлишига шубҳа йўқ. Хонимойга порлоқ келажак ва омад тилаб қоламиз.

Одина ВАҲОБОВА



Гўзал чеҳра ўз номи билан гўзал.

БЕКОН

Гўзал чеҳра

Халқимизда “Ранг кўр, ҳол сўр”, деган гап бор. Инсоннинг ранги рўйи кайфияти, характери билдириб туради. Очиқ юз ҳаммага, суҳбатдошга ҳам, оиладагиларга ҳам маъқул. Кўча-кўйда бировни кўриб қолиб, шу одамнинг истараси иссиқ экан, кимгадир ўхшатдим, деб ўйлаб қолган пайтларингиз кўп бўлган. Бу аслида, очиқ юзли инсоннинг ўша пайтдаги кайфиятингизга таъсирдан далолат.

Шундай юзлар борки, уларни бир кўришдаёқ эса сақлаб қоласиз. Хотиранинг қайсидир қатламида ўша жозиба сиз билан яшайди. Яна бир бор шу ёки шунга ўхшаш чеҳрага дуч келсангиз, руҳиятингизда илиқ бир кўтаринкилик юз очади. Шундай экан, атрофдагиларда илиқ таассурот қолдириш учун, аввало, истарамизга кайфият бериб, юзимизнинг парваришига бироз вақт ажратсак, нур устига нур.

Юз терисининг салқиб, оқариб қолиши асосан авитаминоз, яъни организмда витаминлар етишмаслиги натижасида юз беради. Бундай ҳолни асосан қиш, баҳор фаслларида учратиш мумкин.

Агар юзингиз ранги тиниқ, шафтоли гули сингари майин бўлишини истасангиз, витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилинг. Бу маҳсулотлар организмда қон алмашиниш жараёнини яхшилаб, юз рангига ижобий таъсир кўрсатади.

Терининг тиниқлиги ҳамда организмнинг саломатлиги учун кўпроқ ҳаракатда бўлиш тавсия этилади. Чунки ҳаракат қон айланишини яхшилайди. Бу эса, ўз навбатида, организм учун керакли бўлган озуқа моддаларини тери катакчаларига етказиб беради.

Ҳар куни янги тайёрланган шарбат истеъмол қилинг. Агар шарбат сабзи ёки олмадан тайёрланган бўлса, янада яхши. Бодринг шарбати ҳам асосан юз терисини нафислантиради.

Шунингдек, апельсин шарбати — қон томирларини мустаҳкамлайди, жигар касалликлари, авитаминозда, шамоллаш касалликларида жуда фойдали. Чарчоқни кетказди, тонусни оширади.

Бармоқларингиз ёрдамида юзларингизни енгил ҳаракатлар билан уқаланг. Бу нафақат юзингизда қон юришини яхшилайди, балки тери рангига майинлик киритиб, муддатидан олдин ажин тушининг ҳам олдини олади.

Айтганча, ўзингиз ҳам билсангиз керак, бодринг, кўкат ва сут маҳсулотларидан тайёрланган ниқоблар юз терисига самарали натижаларни кўрсатади. Жигар ва ошқозон-ичак касалликларидан эҳтиёт бўлинг, чунки айнан ана шу касалликлар, энг аввало, терида намоён бўла бошлайди. Юзингизда ёқимсиз доғлар ёки ўзгаришлар юз бера бошласа, мутахассис шифокорга мурожаат қилинг.


Инсоннинг тийнатида бор хусусиятлар юзда ўз ифодасини топади. Шундай экан, кўнглимизни яхшиликка, юзимизни нурга эш қилайлик.

Лимон сепкиллари йўқотади

Сепкиллари тери пигментациясининг наслий хусусиятлари юзага чиқишидир. Қуёш нурлари таъсирида сепкиллари сони кескин ортади. Сепкиллари ёшларда, сариқдан келган ўсмир ва қизларда кўп учрайди.

Халқ табобатида сепкиллари рангсизлантириш учун лимон ёки бодринг шарбатидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу ўсимликларда мавжуд воциталар терига сингиб, қора доғларни рангсизлантиради ва терини тиниқлаштиради. Оқартирувчи муолажадан сўнг, албатта, терига қуёш нурларидан сақловчи тиндирма ва кремлардан суртиш лозим.

Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади



**“СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ”
МУАММОНОМАСИ**

Соҳибқирон Амир Темур ёзиб қолдирган ўғитлар билан боғлиқ куйида рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

I. Адоват эмас, 1, 2, 12, 5, 1, 4 керак.

II. Ботир 26, 1, 13, 20, 2, 1 билинар, доно машваратда.

III. Билаги зўр бирни 1, 6, 15, 1, 9 билими зўр мингни.

IV. Содиқ ва 17, 1, 16, 12, 2, 12, 9 дўст улким, дўстидан ранжимаиди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади, керак бўлса, дўст учун жонини фидо қилади.

V. Белгилаб қўйган ишингни тўғри тадбир, қатъий 26, 1, 14, 3, сабр-тоқат ва эҳтиёткорлик билан, кейинини ўйлаб қил.

VI. Давлату 13, 21, 24, 3, 1, 4 мартабасига эришганинда қавм-қариндош, таниш-билиш ва бошқаларнинг яхшилигини унутма.

VII. Ақли расо ва 23, 10, 8, 19, 9 кишилардан кенгашу тадбир сўраб, фикрини ол.

VIII. Ёзилган 7, 6, 4, 12, 11 авлодлар хотираси учун қилинган барча нарсалардан кўпроқ ва узоқ яшайди.

IX. Бирон ишни қилишга 15, 1, 22, 2 қилган бўлсанг, бутун зеҳнинг, вужудинг билан тиришиб, битирмагунча ундан қўл узма.

X. Бировдан ёмонлик 1, 25, 4, 1, 9, 3, 1,

Ифво гапни айтсалар, эшитма.

Энди калит сўзлари жавоблари асосида шаклдаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириш билан муаммонани ҳал этинг. Бунда улардан Соҳибқирон бобокалонимиз меросига мансуб яна икки ўғитни билиб олишга муваффақ бўласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Ўтган сондаги кроссвординг жавоблари

МУАММОНОМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Калит сўзлар: 1. Гувоҳнома. 2. Касаначилик. 3. Улгуржи. 4. Тўлов. 5. Базоз. 6. Фойда. 7. Ёрлик. 8. Яхши. 9. Ресурс.

Ибратли сўз: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг бугунги ва келажак тараққийтимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи бўлиши шарт.

КРОССВОРД

В. Ёйлар бўйича: 1. Тадбир. 2. Раста. 3. Савдогар.

Бўйига: 1. Тижорат. 4. Тендер.

Г. Бўйига: 5. Чек. 6. Касса. 7. Акциз.

З. Ёйлар бўйича: 8. Бозор. 11. Фермер.

Бўйига: 9. Рақобат. 10. Тариф.

Н. Бўйига: 12. Бартер. 13. Режа. 14. Битим. 15. Мулк.

Диагональ бўйича: 12. Банк.

Е. Бўйига: 16. Инвестиция.

Ёйлар бўйича: 16. Ижара. 18. Ярмарка.

Энига: 17. Сўм.

С. Ёйлар бўйича: 19. Терминал. 20. Лизинг. 21. Гаров.



**“СПОРТ ЎЙИНЛАРИ”
ЧАЙНВОРДИ**

1. Термиз шаҳридаги стадион. 2. Оғир атлетика. 3. Ўзбек шашкачи аёли, спорт устаси. 4. Гимнастика машқлари спортчиси. 5. Сурхондарёлик курашчи, олимпиада ўйинлари совриндори. 6. Пойга мусобақасида кўрсаткични аниқлашдаги ўлчов, фурсат. 7. Футбол ўйини қисми. 8. Мусобақа олдидан амалга ошириладиган тайёргарлик. 9. Тигли қурол билан амалга ошириладиган спорт. 10. Жаҳонда оммалашган миллий спорти. 11. Ақлий спорт ўйини. 12. Организмни чиниқтириш мақсадидаги жамоавий сафар. 13. Афина шаҳри яқинидаги қадимий қишлоқ номи билан аталувчи пойга мусобақаси. 14. Олисга улоқтириш анжومي. 15. Куч ва чақонлик талаб қиладиган спорт. 16. Олимпиада ўйинлари чемпиони, ўзбек боксчиси. 17. Тўпли спорт ўйини. 18. Енгил атлетика анжومي. 19. Спорт соврини. 20. Қуролсиз ўзини

ҳимоя қилиш спорти. 21. Танилган ўзбек футболи ҳаками. 22. Спортчи тоифасини аниқлашда асос бўладиган тана ҳолати кўрсаткичи. 23. Мерганликда мўлжалга олинадиган нарсa. 24. Боксдаги ҳолат. 25. Футбол анжومي. 26. Ватанимиздаги энг улкан спорт иншооти. 27. Бокс майдони. 28. Спорт мусобақасини бошлаш сигнални берувчи асбоб. 29. Соғлиқни мустаҳкамлашга асос бўлувчи машқлар мажмуи. 30. Спорт майдони. 31. Цирк санъатига хос спорт. 32. Футболдаги ҳолат. 33. Спорт ўйини. 34. Спорт тури. 35. Халқаро спорт ўйинлари.

МУАММОНОМА

Шакл атрофидаги рақамларда Юртбошимизнинг ибратли сўзлари яширинган. Уни билиб олиш учун қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзлар жавоблари асосида билиб олинг.

1. Осиё чемпионатининг энг моҳир ўйинчиси, ўзбек футболчиси – 2, 22, 12, 16, 1, 8, 13.

2. Тошкентдаги спорт аренаси – 15, 11, 10, 5, 24.

3. Мусобақадаги ютуқ ҳисоби – 8, 18, 24, 8.

4. Энг оммалашган спорт ўйини – 23, 4, 3, 9, 8, 10.

5. Спорт қайиқларида ўтказиладиган мусобақа – 6, 16, 19, 2, 3, 2.

6. Боксчи анжومي – 21, 25, 10, 21, 8, 17.

7. Ракетка билан ўйналадиган спорт – 9, 2, 1, 12, 5, 14, 3, 8, 14.

8. Эришилган муваффақият, зафар – 20, 2, 10, 2, 9, 2.

9. Сузиш спорти тури – 9, 6, 2, 7, 7.

“АЛИШЕР НАВОЙИЙ РУБОЙЛАРИ”

МУАММОНОМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Калит сўзлар: I. Ғариб, шафиқу, қизил. II. Севмак. III. Бўлсун, чекма, тарбият. IV. Даҳр, даврон. V. Бошдин. VI. Пайдо, кўнгил, томошо.

Рубойи: Фарзанд чу қулдигин одат қилғай,

Ул одат ила касби саодат қилғай,

Ҳар кимки атоға кўп сироят қилғай,

Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

Алишер Навоий

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

КИНОЖАРАЁН

Кинорежиссёр:

— Шер сизни эллик метрга қувиб боради. Оралиқ масофа 4-5 метрдан ошмаслиги керак, тушундингизми?

Актёр:

— Тушундим. Шерни ҳам огоҳлантирганмисиз?

ТУШЛИК

Хўранда:

— Мана сизга чой пули. Менга нимани тавсия қиласиз?

Официант:

— Бошқа ресторанга боришни...

БИР КУНИ

Афанди кечқурун хотини билан меҳмондорчиликка кетишадган эди. Йўлдан кўчабезорилар чиқиб қолишди. Афандига бир доира чизиб беришди:

— Шу доирадан чиқсанг, ўлдирамиз — деб қўрқитишди ва хотинининг зебу зийнатларини ечиб олиб, жўнаб қолишди. Хотини шўрлик йиғлар, афанди эса кулар эди.

— Нимага куласиз, ахир шунча нарсамдан айрилдим!

— Кўявер, барибир мен улардан ўчимни олдим. Чизиб берган доираларидан чиқиб-чиқиб турдим, ҳеч қайсиси билмади.

МИННАТ-ДОРЧИЛИК

— Ҳаётимнинг энг бахтли онлари учун театрга раҳмат.

— Театрга шунча кўп тушасизми?

— Йўқ, хотиним кўп боради...

КИМ КАСАЛ?

Невропатолог:

— Сизда бир ҳолат бўлиб турадими — овоз эшитасиз-у, ким, қаердан гапираётганини билмайсиз?

Бемор:

— Ҳа, тез-тез бўлиб туради.

— Жуда чатоқ-ку! Қай вақтларда шундай бўлади?

— Телефонда гаплашганимда.



— Мен йўқлигимда кўиларга қараб турганидан жудаям татминман.



— Мен ҳали ухлаганим йўқ-ку, ахир...



— Сизни уйғотиб юборганим учун узр сўрайман.



— Сизлар эса оёғидан тортингизлар!
(Эшикдаги ёзув: «Дантист»)

КАМОЛИДИН тайёрлади



Денгизчи рассом

Ованес (Иван Константинович) Айвазовский 1817 йил 29 июлда Феодосияда савдогар оиласида туғилди.

1817 йил 29 июль Феодосия шаҳри черков руҳонийси томонидан Константин (Геворг) Гайвазовский ва унинг рафиқаси Репсималар оиласида “Айвазян Геворг ўғли Ованес” дунёга келганлиги ҳақидаги маълумот рўйхатга киритилади.

Айвазовский авлодининг келиб чиқиши галициялик арманлардан бўлиб, улар Львов атрофида каттагина ер эгалари ҳисобланарди. Унинг отаси Константин Геворг Туркияда яшовчи арманлардан бўлиб, Феодосияга кўчиб келган ва ўз исми шарифини полякча оҳангда, яъни Айвазян эмас, Гайвазовский деб атай бошлаган.

Константин Григорович Айвазовский Феодосияга кўчиб келиб, кўп ўтмай маҳаллий арман қизи Рипсимага уйланади ва бу никоҳдан уч қиз ва икки ўғил — Ованес (Иван) ва Саргис дунёга келади.

Иван Айвазовский ёшлигида тасвирий санъат ва муסיқага бўлган қизиқиши ортиб кундан кунга ўз иқтидорини намоён эта бошлайди. Ҳатто у мустақил равишда скрипка чалишни ҳам ўзлаштиради. Ёш истеъдод эгаси, дастлаб, Феодосиялик меъмор Яков Христианович Кох эътиборини тортади ва ундан қоғозда илк қалам юритиш сабоқларини ола бошлайди. Яков Христианович ёш истеъдод Айвазовскийнинг қоғоз-қаламдаги, бўёқлар ва тасвирий санъатдаги ютуқларини кўриб завқланарди.

Вақт ўтиб, Айвазовский Феодосия уезди касб-ҳунар билим юртида ўқийди. Билим юртини битиргач, ёш рассом Симферополь гимназиясига қабул қилинади ва кейинчалик рассомдаги истеъдод юқори баҳоланиб, Давлат гранти асосида Санкт-Петербург Бадиий Академиясига қабул қилинади. Академияда профессор Максим Воробьёв раҳбарлигида манзарачилар бўлимида сабоқ олади.

Айвазовский Петербургда 1833 йил 28 августда келган бўлса, 1835 йилда “Петербург атрофидаги денгиз кўриниши” ва “Денгиз ҳавоси” каби асарлари билан кумуш медал соҳибига айланади ва машҳур Француз манзарачи рассоми Филип Таннерга ёрдамчи сифатида бириктирилади.

Кейинчалик, профессор Зауэрвейд раҳбарлигида ҳарбий денгиз ранг тасвири бўйича ҳам шуғулланади. Зауэрвейд кўл остида бир неча ой давомида сабоқ олгач, 1837 йилда “Штиль” деб номланган асари учун олтин медалга сазовор бўлади. Бу иш рассом учун Европа ва Қримга Академия ҳисобидан икки йиллик муддатга сафарга чиқиш имконини яратади.

Қримда у фақат денгиз манзараларини чизиш билан чекланиб қолмай, денгиз десант ҳаракатларида иштирок этади ва айни пайтда “Субаш водийсидаги десант отряди” картинасига хомаки чизгилар тайёрлайди. 1839 йили Петербургда қайтади ва 23 сентябрда Академияни тугатади.

1840 йилнинг июл ойида Айвазовский Академияда бирга ўқиган ўртоғи билан Римга йўл олади. Йўлда улар Венецияда бир неча вақт тўхташиб, у ерда Гоголь билан танишадилар. Рассом, асосан, Италиянинг жанубида, яъни Соррентода ижод қилади.

Кўпроқ очиқ ҳавода этюдлар чизар, кейин устахонада катта полотнода асарларини яқунлар эди.

Италиядаги дастлабки ютуқларидан “Хаос” картинаси Григорий XVI томонидан юқори баҳоланиб, олтин медал билан тақдирланади ва асар сотиб олинади.

1842 йил бошларида Рейн водийси ва Швейцария орқали Голландияга, кейинроқ эса денгиз орқали Англияга ва бир қанча вақт ўтиб Париж, Португалия ва Испанияга ташриб буюради.

Рассом сузиб бораётган кема Бискай бўғозида кучли тўфонга дуч келади ва уммон қарига равона бўлишига оз қолади. Тўрт йил давом этган саёҳат 1844 йили рассомнинг ватанига омон-эсон қайтиши билан яқунланади. Иван Константинович Айвазовский асосан денгиз манзараларини чизди. Қрим қирғоқ бўйи тасвирланган кўплаб асарлар яратди. Унинг ижодий фаолияти жуда сермахсул кечди, кўплаб орден ва медаллар соҳибига айланди.

Айвазовский тасвирий санъат тарихида бошқа ҳамкасбларидан фарқи ўлароқ, табиатнинг тириклиги, жўш ураётган денгиз тўлқинлари, баъзан сокин уммон гўзаллигини шу қадар жонли тасвирлай олганки, унинг асарларини кузатган киши хаёлан ўзини денгиз қирғоқларида ҳис қилади.

Рассомнинг машҳур “Тўртана” асарида инсоният табиатнинг ожиз бир аъзоси эканлигини ва яшаб қолишга жон талвасасида ҳаракат қилаётган ҳолатини тасвирлайди.

“Тўртана” асари яратилишидан ўн олти йил аввал Брюллов “Помпейнинг сўнги кунини” асари билан ҳаммани лол қолдирган эди. Бу икки шедевр асар Рус тасвирий санъатини романтизм нурлари билан ёритиб келмоқда.

Айвазовский, шубҳасиз, денгизчи рассом эди. У денгиз тўлқинлари ҳақида бошқалардан эшитиб чизмади, аксинча, денгизда сайр қилиб, кўриб-билиб, жон талашиб чизди. 1844 йилдаги даҳшатли воқеани рассом шундай эслайди: “Кемада одамлар ақлдан озиш даражасида саросимага тушган эдики, уларни умуман бошқариб бўлмасди. Менга бу манзара навбатдаги яратилиши керак бўлган картина сифатида кўринарди. Мен бу дам воқеаларни, тўлқин ҳаракатларини яхшироқ эслаб қолиш билан овора эдим. Уммон тубига фарқ бўлиш, ҳалок бўлиш ҳақидаги қўрқув, ҳиссиётлар хаёлимга ҳам келмасди” дейди.

1900 йилнинг апрелида рассом кўпдан бери орзу қилиб юрган “Кеманинг портлаши” деб номланган картинаси устида ишлаш бошлайди. Афсуски, рассом асарни тугатишга улгурмайди.

Машҳур санъаткорнинг мазкур тугалланмай қолган асари шу ҳолатда ҳам устахонасини бойитиб келмоқда.

Комил ЖОНТОНОВ тайёрлади